

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

**TARIX VA MADANIY MEROS FAKULTETI**

**TARIX KAFEDRASI**

**Fakultet dekani: Ochilov O'.S.**

**Kafedra mudiri: Rahmonov K.J.**

**BITIRUV MALAKAVIY ISH**

**Mavzu: Yangi davrda G'arbiy Yevropada arxiv ishi  
(Fransiya, Angliya, Germaniya)**

**5220300- «Arxivshunoslik» ta'lim yo'nalishi bakalavr darajasini olish  
uchun**

**Arxivshunoslik ta'lim yo'nalishi  
bitiruvchisi: Ma'murov Mels  
Hasanovich**

**Ilmiy rahbar: o'qit. B.N.Rizayev**

**Buxoro – 2018**

**Мавзу: Янги даврда Ғарбий Европада архив иши  
(Франция, Германия, Англия)**

**Режа:**

**I.БОБ. XVII асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатларида архив иши**

1.1. Ғарбий Европа архивларни марказлаштириш, архив соҳаси ҳуқуқий баъзасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш

1.2. Франция, Германия, Англия архивлари таркиби - фонд, бўлим ва секциялар

**II.БОБ. XVII-XX асрларда Ғарбий Европа давлатларида архив соҳаси ютуқлари**

2.1. Архиви материалларини ёритишга бағишланган илмий-оммабоп нашрлар ва архив таълим.

2.2. Архив материалларини сақлаш шароитлари ва махсус архив бинолари

**Хулоса**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**Илова**

## **Кириш**

Мамлакатимиз истиқлолга эришиб, жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида теран янгиланишлар жараёни кечаётган бир даврда тарихни ўрганиш, уни холис баҳолаш ва мозийдан мерос жамики кадриятлардан ижодий фойдаланиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тарих фаини тараққиётини белгиловчи омиллар орасида архив материаллари, айниқса, диққатга сазовордир. Шунинг учун тарихий жараёнларни ёритишда архив ҳужжатларини қайта тадқиқ ва таҳлил этиш масаласи алоҳида эътиборга молик экани шубҳасиз.

Мустақиллик шароитида архив ишининг истиқболли равнақи масаласи муҳим ўрин тутди. Зеро, мозий сабоқлари, ўтмиш тажрибаларини архив материаллари асосида ўрганишнинг нафақат назарий, балки долзарб амалий аҳамияти бор.

Албатта, архив материалларига энг кўп муурожаат қилувчилар — тарихнавислар, мозийшунослардир. Мустақиллик давридаги тарихий тадқиқотларнинг аксарияти архив материалларига асослангани ва янгича, холис тарихий тараққиёт концепцияси заминида яратилгани туфайли бугун тарихимизга қизиқиш тобора ортаётир.

Шунингдек, архив ҳужжатларидан фойдаланувчилар сирасига ўзи тадқиқ этаётган муаммо тарихини ўрганмоқчи бўлган муайян соҳа тадқиқотчилари — иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, адабиётшунос ва санъатшунослар, фан ва техника тарихи мутахассислари, умуман, табиий фанлар соҳаси вакиллари ҳам киради. Бу жабҳа тадқиқотчилари учун архив материаллари фан уфқларини кенгайтириш, уни янги далил-исботлар билан бойитиш, жамият ҳаёти, инсоният тафаккури тараққиёти жараёнининг турфа хил жиҳатларини мутлақо янгича ва нисбатан тўғри баҳолаш бобида маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Архив ҳужжатлари жамиятимизнинг кундалик ҳаётида, хусусан, халқ хўжалигида муҳим ўрин тутишини таъкидлаш жоиз. Архив ҳужжатларида

кечмиш аждодларимиз меҳнатининг самаралари ўз аксини топган бўлиб, уларнинг тажрибалари бугунги кунда қўл келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда биринчи марта мамлакат парламенти Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМА тақдим этди. Ушбу мурожаатномада: “Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин”<sup>1</sup>-деган фикрлари катта аҳамиятга эга.

БМИ ишининг долзарблиги шунда-ки, янги давр ғарбий Европа архивлар умумий ҳолати ва ривожланиши, ғарбий Европа архивларнинг тарихий аҳамияти, Ғарбий Европа давлатларида ягона архив тизимини шаклланиш жараёни, архив фондлари ва улардан фойдаланиш тажрибаси, шунингдек, умуминсоний кадриятларни англаб етишга кўмаклашиш ва дунё миқёсида мавжуд бўлган муаммоларнинг тарихий илдизларини излаб топиш каби долзарб масалаларни ўрганишга қаратилган.

**Ўрганилганлик даражаси:** Янги даврда Ғарбий Европада архив иши мавзусида турли тадқиқотлар амалга оширилган. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрдан бу йўналишда кўплаб илмий изланишлар олиб борилди ва мувофақиятли яқунланди<sup>2</sup>. Шунингдек, бу даврда матбуот органлари ва илмий жамиятлар томонидан кўплаб тўпламлари ҳам нашр қилинган.<sup>3</sup> Нашрларда архив иш фаолиятини ташкил этиш, архив соҳасини ҳуқуқий баъзаси, материалларни тизимлаштириш, сақлаш шароитлари каби кўплаб йўналишларда изланишлар олиб борилган. Бироқ, архив иши тарихига бағишланган ишлар чегараланган эди. Бу йўналишдаги ишларни асосан иккин гуруҳга ажратиш мумкин:

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи// 2017 йил, №258 (6952) 23 декабр

<sup>2</sup> Бордье - "Архивы Франции" "Наука" М., 1855 г., Ш. Ланглуа "Французские исторические архивы" "Наука" 1893 г.

<sup>3</sup> "Ежегодник библиотек и архивов", "Собрание неизданных документов по истории Франции", "Календари"

Биринчидан собиқ совет иттифоқи даврида Алексеева Е.В., Бржостовская Н.В. Карапетянц И.В. Ковальчук Н.А. Самоквасов Д.Я. Старостин Е. В.<sup>4</sup> каби тадқиқотчилар ва турли газета журналларда эълон қилинган материаллар<sup>5</sup>;  
Иккинчидан Мустақил Ўзбекистонда архив иши тарихи йўналишида олиб барилаётган кам сонли тадқиқотлар<sup>6</sup>;

### **БМИ мақсад ва вазифалари**

Ғарбий Европа давлатларнинг XVII асрнинг 60-йиллари ва XX аср бошларидаги ташкил этилган янги архивлари фаолияти, таркиби, фондлар, архив органлари, архив материаллари чоп этилган нашрлар фаолияти билан таништириш.

Юқорида белгиланган мақсаддан келиб чиқиб БМИ ўз олдига турли вазифаси қўйилади:

-янги давр Ғарбий Европада мавжуд тарқоқ архивларни бирлаштириш борасидаги урунишлар ва эришилган натижаларни кўрсатиш;

---

<sup>4</sup> Алексеева Е.В., Афанасьева Л.П., Бутова Е.М. // под редакци профессор Козлова В.П., Архивоведения. – М.: ПрофОбрИздат, 2002., Бржостовская Н.В. Архивное дело в странах Европы и Америки в период капитализма. Т- – М., 1957. Бржостовская Н.В. Архивы и архивное дело в зарубежных странах (история и современная организация). Учебная пособия. – М.: МГИАИ, 1971., Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. – М., 1997. Советская Историческая Энциклопедия. Архивы. Т-1. – М., 1965. Старостин Е. В. Архивное дело во Франции. – М., 1984., Зарубежная буржуазная историография архивоведения – М., 1986., Архивы и архивное дело в зарубежных странах: Вып. 1. – Свердловск, 1991.

<sup>5</sup> Автократов В.Н. Общая теория архивоведения // Вопр. истории. 1973 .№ 8., Автократова М.И, Шепукова Н.М. Об архивах Словакии // Сов. архивы. 1972. № 3., Алексеев В. Судьба дипломатического архива Италии в годы второй мировой войны // Новая и новейшая история. 1971. № 6., Архивное дело в зарубежных странах: Очерки / Под ред. Л. Смоктуновича. – М., 1963. Вып 1., Банасюкевич В.Д. XI11 Международный конгресс архивов // Отеч. архивы. 1997. №2., Баскаков Э.Г. Документальные материалы по истории народов СССР в архивах и библиотеках США // История СССР. 1959. № 2., Баскаков Э.Г., Кривошеин Л.Н. Архивы Федеративной Народной Републики Югославии // Вопр. архивоведения. 1960. № 5., Белов Г.А. Об участии советских архивистов в работе 3-го Международного конгресса архивистов // Информ. бюллетень ГАУ при СМ СССР. 1956 № 3, Белов Г.А. Международный конгресс архивистов в Стокгольме // Ист Вопросы критики, методологии и теории буржуазного архивоведения Сб. ст. – М., 1980.

<sup>6</sup> Чориев Ш.Ш. Архивларнинг умумий тарихи ва хозирги замон жаҳон етакчи архивлари. Ўқув-услубий мажмуа. – Т., 2010., Иофе В.Г. Всеобщая история архивов и ведущие архивы современного мира. // Методическое пособие для направления бакалавриата «Архивоведение». Пособие рекомендовано к изданию Научно-Методическим Советом Национального Университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека 29 декабря 2009 г., протокол № 5. – Т.: 2009.

-Ғарбий Европа архив соҳаси ҳуқуқий баъзасини шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар ва турлий лойиҳалар мазмуни билан таништириш;

- архивист мутахасис тайёрлашга мўлжалланган ўқув дастурлар, адабиётлар, таълим муассасалари фаолитияни ёритиш;

-архив материалларини сақлаш ва махсус архив бинолари бунёд этилиши билан боғлиқ тарихий жараёнларни акс эттриш;

### **БМИнинг илмий-амалий янгилиги**

Ўзбекистон Республикасининг 2010-йилдаги “Архив иши тўғрисидаги”<sup>7</sup> қонунида назарда тутилган архив ишини ривожлантириш, такомиллаштириш шакллантириш ҳақидаги амалларни ижро этиш, янги давр Европа архивлари ва ҳозирги замон замонавий архивларини таққослаш, тажрибасини ўрганиш орқали архив иши борасида улкан ютуқларга эришиш мумкин.

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни. 2010 йил, 15 июнь.

## **I.Б.О.Б. XVII асрнинг 60 йиллари XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатларида архив иши**

Янги давр капиталистик тузуми ўзидан олдинги феодализмдан фарк қилади. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши Европа ва Америка минтақасида давлат бошқаруви тизими ва давлат муассасалари тузулишида ўзгаришига сабаб бўлади. XVIII-XX асрларда вужудга келган сиёсий вазият архив фаолиятини ҳам ислоҳ қилишни тақоза қиларди.

XVIII асрда Европа мамлакатлари бу соҳада сезиларли ўзгаришлар қилишга мувофақ бўлишди. Дастлаки ҳаракатлар архивларни марказлаштириш учун қилинган. Биринчидан ўз фаолиятини якунланган давлат муассасалари расмий ҳужжатлари марказлаштирила бошланди; иккинчидан ягона архив бошқарув органини шакллантириш ишлари бошлаб юборилди. Янги давр мамлакатлар ҳукматлари ва тарих фани талаблари, архив ишига янги механизимни жорий қилишга ундади. Юзага келган эҳтиёж туфайли соҳада изичил ислоҳатлар амалга оширила бошлади.

Шунингдек архив ҳужжатларни сақлашни умумий қоидалари ишлаб чиқилди. Материалларни талаб даражасида сақлашга мўлжалланган махсус архив учун мўлжалланган бинолар барпо этила бошлади. Архив соҳасига оид турли ишлар нашр қилинши билан архив иши фан сифатида шаклланиб улгурди.

Ўрта асрлар билан таққосланганда, янги давр Европада, архив соҳасида жуда катта ютуқларга эришди. Бироқ амалга оширилиши кўзда тутилган барча вазифалар бир текис, охиригача амалга оширилган деб айтиш мушкул. Аксарият Европа мамлакатларида соҳани ривожлантириш ишлари объектив ва субектив сабабларга кўра амалга ошмай қолади. Марказлаштириш ишлари фақат давлат муассасалари кесимидагина амалга оширилган. Маҳаллий архивлар эса тақдир ҳукмига ҳавола этилган. Ҳужжатларни сақлаш ва юритиш борасидаги янги методлар бошқа архивларга ҳам сезиларли ижобий таъсир қилди.

Янги даврда Европа мамлакатларида давлат архивларидан (марказий, маҳаллий) ташқари кўплаб архивлар мавжуд: муниципал (шаҳар), черков, монархлар, университетлар, илмий жамиятлар, сиёсий партиялар, хуссусий мулк

эгалари, савдо, саноат, транспорт ва бошқа архивлар бунга яққол мисол бўла олади.

Юқорида келтирилган нодавлат архивлар мустақил фаолият юритган. Архив соҳасини ривожига давлат архив муассасалари ташаббуслари, тарихий шарт-шароит, сиёсий тузум ва иқтисодий иқониятлар каби омиллар ижобий таъсир кўрсатган.

### **1.1. Ғарбий Европа архивларни марказлаштириш, архив соҳаси ҳуқуқий баъзасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш**

XVIII-XIX асрлар Европа давлатлари архив соҳасига эътибор берилганда, Франция аҳолида аҳамиятга эга эди. Европа минтақасида илк бор Францияда архив соҳасида ислохотларга қўл урилган. Франция бошқа Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, архивлар фаолиятини марказлаштиришга мувофақ бўлди. Французларни архив борасида эришган ютуқлари ва йиғилган тажрибалар, кейинги даврларда кўплаб Европа мамлакатлари учун дастури-амал бўлиб хизмат қилди.

Францияда архив ишини ривожланишини, тадқиқотчилар фикрига кўра буюк француз инқилоби билан боғланган. Мамлакатда инқилобий ҳаракатлар бошланган даврда турли архивлар бўлиб, улар фаолияти тартибсиз эди. Бироқ инқилоб даврида марказлашган, давлат аҳамиятига молик архивлар ҳам ташкил этишга уринишлар бўлади. Юқорида таъкидланган, кўплаб тарқоқ архивлар орасидан қадимги “Хартиялар хазинаси”<sup>8</sup> деб номланган ҳужжатлар омборини аҳолида ажратиш кўрсатиш мумкин. Инқилобгача бўлган ҳукматлар архив соҳаси назоратини эътибордан четда қолдиришган. Архивларга келтирилган ҳужжатларни сақлаш шароитлари талабга жавоб бермас, жорий сиёсий фаолиятга доир ҳужжатлар давлат муассасалари архивлари ва қироллик девон архивларида қолиб кетарди. Шунингдек, маҳаллий маъмурият, суд, молия,

---

<sup>8</sup> Бржостовская Н.В. Архивы и архивное дело в зарубежных странах (история и современная организация). Учебная пособия. – М.: МГИАИ, 1971. 52-53 с.



ҳарбий архивлар, хусусий муниципал, черков ва хусусий ер эгаларига тегишли архивлар материаллари ҳам ўз ҳолича ташлаб қўйилган.

Инқилоб туфайли ҳокимиятга эришган янги ҳукмат дастурида Францияда кўплаб радикал ислохотлар қилинишини назарда тутганди. Бу борада албатта, архив соҳаси фаолиятини ҳам назардан четда қолдиришмади.

Архив соҳасини ислох қилиш ишлари унинг ҳуқуқий асосини яратишдан бошланди. Миллий мажлис аъзолари ҳукмат фаолиятига оид расмий ҳужжатларни келажак авлодларга етказишга аълоҳида эътибор қаратди. Расмий ҳужжатларни сақлаш жойи, миллий мажлис архиви бўлиши лозим деб топилди.

1789-йил 29-июлда “Миллий архивни ташкил этиш тўғриси»<sup>9</sup>да қарор қабул қилди. Миллий архивни бошқариш миллий мажлис комиссарлари таркибидаги архисвист зиммасига юкланди. Миллий мажлис йиғилишларида архив фаолияти бир неча бор муҳокама қилинган. Инқилоб даврида архив аҳамияти ниҳоятда ошиб кетади. Архивга, барча эгалик ҳуқуқларини мустаҳкамловчи ҳужжатлар сақланадиган жой сифатида қарала бошланди.

1790-йил сентябрида миллий архив низоми тасдиқланган. Архивга миллий кўшимчасини қўшилиши, унинг умумдавлат аҳамиятига молик бўлганидан далолат беради. Низом талабларига кўра миллий архивга Франция маъмурий-худудуий бўлиниши, қонунулар, оммавий ҳуқуқга оид ҳужжатлар жамланиши шарт бўлган. Бундан Франциянинг барча муҳум актларини бир жойда йиғиш кўзда тутилган. Миллий архивни ўзига хос хусусиятларидан яна бири архивни халқ учун ошкоралигида эди. Низомда “Ҳар бир француз ҳафтанинг белгиланган бир куни ва аниқ бир соатда архивга келиб, ўзини қизқтирган ҳужжатлар билан танишиши мумкин”<sup>10</sup> бўлган. Бироқ кейинги даврларда юзага келган халқаро кескинлик ва ички сиёсий ҳолат бу принциплардан чекинишга сабаб бўлган.

1789-йил августда миллий мажлис архив раҳбарлиги лавозимига сайлов ўтказди. Сайловда номзодлар орасидан миллий мажлис депутати, юрист Армш-

---

<sup>9</sup> Старостин Е. В. Архивное дело во Франции. – М., 1984. 64-65 с.

<sup>10</sup> Там же 71-72 с

Гастон Камю ишончли ғалабага эришди. Камю ўз ҳаётини архив соҳаси ривожига бағишлади. Шу мақсадда умрини охиригача яъний, 1804-йилгача мазкур лавозимда фаолият юритади. Камюнинг фидокорона меҳнатлари эвазига, архив инқилобни бошқа институтлари билан таққосланганда, юқори мавқейга эришди. У қонунчиликга оид барча ҳужжатларни архивга йиғишга мувофак бўлади. Унинг мақсади, миллий архивни миллат хазинасига айлантириш эди.

Дастлаб инқилоб даври ҳажжатлари тартибга келтирилади. Амалдаги ҳукумат, ўзидан олдин ҳукмронлик қилган давлат аппарати органлари меросига диққатни қаратади. Инқилоб даврида эски давлат ташкилотлари, муассасалар, корпорациялар ўз фаолиятини яқунлашга мажбур бўлди. Шунингдек, монастрлар ёпилди, дворян-эмигрантлар ўз қасрларни ташлаб кетди ва х.к.

Ўз фаолиятини яқунланган ташкилот ва давлат муассасалари ҳужжатлари амалдаги ҳукмат ихтиёрига олинди. Лекин архивлар ниҳоятда бетартиб бўлиб, материалларни гуруҳлаш, йиғма жилд каби кўплаб муаммолар бор эди. Мазкур ишларни амалага ошириш жараёни пайсалга солинди. Ҳукмат архив фаолиятига етарли даражада эътибор бермади. Шунда, бу архивлар эскилик сарқити уни йўқотиш керак деб ҳисобловчилар ҳам бўлди. Баъзи провинцияларда, дворянларни шажаравий ва феодал архивларни йўқиб юбориш ҳолатлари ҳам учраб турган. Архив материалларидан маиший мақсадларда фойдаланилган даврлар ҳам кўзга ташланган.

Вазиятни ўта кескин тус олиши мумкинлигидан хавотирга тушган тадқиқотчилар, ҳукмат эътиборини ҳужжатлари сақлаш лозимлигига қарата олди. Шунингдек, бошқарувни ташкил этиш жараёнида эски тизим ҳужжатларидан фойдаланишга эҳтиёж сезади.

Биринчидан давлат фойдасига олинган дворян-эмигрантлар ва черков ер майдонларини кадастр қилиш, сотиш эҳтиёжи давлатни доминиал архив ҳужжатларига мурожат қилишга ундади;

Иккинчидан эски судларда жуда кўп охрига етказилмаган ёки кўриб чиқилиши лозим бўлган ишлар қолганди. Шу сабабдан суд ҳужжалари муҳим саналган;

Учунчидан хусусий мулк, маъмурий, молиявий хужжатлари ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолганди;

Янги ташкил этилган миллий архив Камю раҳномалигида давлат хужжатларини юритувчи марказга айланди. 1791-1792- йилларда Камю ва унинг ҳамкасблари Париждаги архивларни тартибга солиб, уларни миллий архивга жойлаштириш ишлари билан шуғулланишган<sup>11</sup>. 1793-йилдан илгари тузум давридан қолган маъмурий ва давлат муассасалари архивлари миллий архив тассаруфига олинган. 1793-йил кузида архивда эски тузум хужжатларини қабул қилишга мўлжалланган янги икки бўлим ташкил этилган<sup>12</sup>.

Бу пайтда секциялар сони 3 тага етди:

- 1) Қонун чиқарувчи. Бу секцияда инқилобдан бошланиб 1789-йилгача бўлган қонунчиликга оид хужжатлар ва турли материаллар жамланган;
- 2) Судлар фаолиятига оид юридик хужжатлар;
- 3) Доминиал яъний давлат ва жисмоний шахслар ер ҳуқуқига доир хужжатлар, вотчина архиви, маъмурий ва молиявий ташкилотлар хужжатлари сақланган;

Дастлаб Камю ва унинг маслакдошлари миллий архивда Франциянинг барча хужжатларини жамалаш лозим деган фикрда эдилар. Аммо бу амалга ошириб бўлмайдиган ғоя эди. Маҳаллий архивларда асосан ер билан боғлиқ хужжатлар, турли мулкларга эгалик ҳуқуқини берувчи хужжатлар сақланиши кўзда тутилган. Шу тарзда Францияда маҳаллий архивлар шакллана бошлади. Лекин архивлар турли ташкилот, муассасалар хужжатлари йиғиладиган жой бўлиб қолмасдан, уларнинг сиёсий ва амалий аҳамияти ҳам бу даврда яққол сезилиб турган. Янги ҳукмат бошқарув ишларида фойдаланиш мумкин бўлган архив материалларига жиддий эътибор қаратган. Қолган материаллар “тарихий” деб ҳисобланиб илмий тадқиқот мақсадида фойдаланиш учун кутубхоналарга топширилган.

---

<sup>11</sup> Старостин Е.В. Зарубежная буржуазная историография архивоведения – М., 1986. 14-16 с.

<sup>12</sup> Старостин Е.В, Чудиновский В.А. Архивы и архивное дело в зарубежных странах: Вып. 1. – Свердловск, 1991.

Францияда янги даврда кутубхоналарга эътибор кучли бўлган. Париж шаҳри ва провинцияларда омма учун махсус кутубхоналар ташкил этилган. Улар орасида “қирол кутубхонаси”<sup>13</sup> негизида Париж шаҳрида ташкил этилган “миллий” кутубхона аълоҳида аҳамиятга эга. XVIII асрда Францияда кутубхоналарга бўлган эътибор кучлилигича қолди. Кутубхоналарда нафақат босма китоблар балки, турли ноёб қўлёзмалар сақланган. Инқилоб даврида кутубхоналар тўлдирилган. Кутубхоналарда тарихий-маданий мазмундаги турли асарлар, солномалар, ёрлиқлар, хроникалар сақланган. Қисқа қилиб айтганда, материаллар кутубхоналар ва архивлар ўртасида бўлинган эди. Хужжатларни тарқалиб кетишига архивда фонд бўлмаганлигини ҳам сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Архивга тегишли хужжатларни кутубхоналарда сақланши одатий ҳол аммо, Францияда бу жуда катта ҳажмда сақланган. 1790-йилда ташкил этилган “хартиялар кабинети” кутубхонаси (Франция тарихига оид кўплаб материаллар манбашунос Меро бошчилигида тўпланган) кўплаб ноёб қўлёзмаларни қўлга киритди.

Инқилоб даврида бошлаб Францияда архив иши соҳасида кўплаб ислохатлар амалга оширилди. Республиканинг икки йилида 7 мессидор (1794 йил 25 июнда) декрет<sup>14</sup> қабул қилинди. Декрет Францияни архив соҳасидаги ишларини умулаштирди ва яқунлади. Декрет архив иши тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Европа ва Америка давлатларида архив ривожига сезиларли таъсир қилди. 7 мессидор декрети кўплаб Европа мамлакатлари архив қонунчилигини яратилишига асос бўлади. Хужжат турли камчиикларга эга бўлсада, ўз даври учун мукамал ва муҳим ҳисобланган. 1794-йилда тасдиқланган декрет кабинет қонунчилик фаолиятининг ёрқин мисоли эди. Декреатда миллий архивни маҳаллий архивлар билан аълоқалари ўз аксини топган. Хужжат миллий архив фаолиятига доир моддалар билан бошланган. Декрет янги замон хужжатлари, халқаро шартномалар, давлат мулки ва қарзлари

---

<sup>13</sup> Ковальчук Н.А. Научно-справочный аппарат в архивах буржуазных стран. (Франция, Англия, США): Учебное пособие. – М., 1973. 114-116 с.

<sup>14</sup> Старостин Е. В. Архивное дело во Франции. – М., 1984. 56-57 с.

баёни, аҳолишунослик, йилик статистик ҳисоботлар, давлат буюджети каби моддлардан таркиб топган.

Декретда миллий архив материаллари орасида республика муҳри, тангалар намуналари, ўлчов бирилиги эталонлари сақланиши назарда тутилган. Конвент архивга фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилинган маскан сифатида қараган.

Қолган материаллар ҳақида қисқача кўрсатмалар келтирилган. Яъний архивда ҳукмат бўлиши шарт деб ҳисоблаган, ҳужжатлар жойлаштирилган. Бу ҳолатда афтидан суд ва доминиал секциялар кўзда тутилган.

Бошқа моддаларда архив ишини юритиш ҳақида сўз боради. Маҳаллий архивлар дистрикт архивлар тармоғини ҳосил қилиши белгилаб қўйилди. Маҳаллий архивлар маҳаллий бошқарув органларидан ташқари, миллий архивга бўйсунуши шарт бўлган. Архив ишларини назорат қилиш мақсадида махсус қўмита ташкил этилди.

Дистрикт архивлар миллий архивни филиали сифатида фаолият юритиш тартиби белгиланди. Давлат ер ҳуқуқига доир материаллар қаерда сақланишдан қатъий назар Париж доминиал секцияси бўлимига тегишли бўлиб, архив қўмитасини биринчи сўрови билан белгиланган жойга дарҳол юборилиши шарт бўлган. Миллий архив учун жорий қилинган ошкоралик барча архивларга нисбатан қўлланиладиган бўлди. Қабул қилинган декретда эски тузум материаллари ҳақида ҳам сўз юритилиб, ташкилотлар, корпорациялар ва оилавий-вотчина материалларини йиғиш, тартибга келтириш механизими кўрсатиб берилди. Шу мақсадда Париж ва бошқа шаҳарларда архивларни тартибга солувчи бюролар тузулди. Парижда бюро аъзолари 9 нафар, провинциаларда 3 нафардан 9 нафаргача етган. Бюрога тўрт беш ой ичида барча архивларни тартибга солиш вазифаси юклатилди. Материаллар келиб чиқишидан қатъий назар 4 та секцияга бўлинган.<sup>15</sup>

Давлат мулки: ер, молиявий, маъмурий, суд, ҳужжатлари Париждаги доминиал ва юридик секцияга ёки дистрикт архивларга топширилган;

---

<sup>15</sup> Бржостовская Н.В. Архивы и архивное дело в зарубежных странах (история и современная организация). Учебная пособия. – М.: МГИАИ, 1971. 63-64 с.

Тарихий: бу хужжатлар миллий ёки дистрикт кутубхоналарда сақланиши лозим бўлган;

Феодаал хужжатлар;

Мутлок кераксиз ҳисобланган хужжатлар;

Охирги икки гуруҳ йўқотиш учун мўлжалланган хужжатлар сирасига киради. Қисқа қилиб айтсак, дерект умумий мазмуни шулардан иборат. Декретда архив ишини марказлаштиришнинг асосан уч элементни намоён бўлади:

1)Хужжатларни давлат, марказий ва маҳаллий архивлар тармоғида бирлаштириш;

2)Архивлар устидан марказлашган бошқарувни амалга ошириш;

3)Давлат архивларида ошкоралик принципларига амал қилиш;

Етти мессидор декрети эълон қилингандан сўнг қисқа фурсатда термидор давлат тўнтариши содир бўлди. Реакция таҳдиди кучайди. Сиёсий ўзгаришлар давомида декрет моддларига ўзгартиришлар киритиб борилди. Бироқ бутунлай бекор қилинмади ва узоқ йиллар Франция архив қонунчиинининг пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Бюро ўз фаолиятини декретда белгиланган кўрсаткичлардан четга чиқиб бажаришга мажбур бўлди. Бунга сабаб архивларни тартибга келтириш учун белгиланган вақт камлик қиларди. Парижда Камю бошчилигида ўз фаолиятини бошлаган бюро 450 архивни тартибга келтириши керак эди. Тўрт беш ой муддат бу ишни уйддалаш учун камлик қилган. Провинцияларда тартибга келтириш ишларни янада ачинарли эди. Провинциялардаги бюро вакиллари материалларни кўздан кечириб ўтирмасдан секцияларга ажратди. Аммо баъзи провинциядаги бюро вакиллари материалларни архивларда сақлаб қолишга эътибор берган. Камю миллий архивни Франция тарихига оид манбалар сақланадиган марказий омборга айлантришга интилган. Шу мақсадда миллий архивда янги “тарих” секцияси ташкил этилди.

Маҳаллий архивлар тармоғида ҳам ўзгариш қилинди. Маъмурий дистриктларга бўлиниш бекор қилиниб, унинг ўрнида янги маъмурий-худудий бирлик департамент ташкил этилди. 1796-йилдан бошлаб дискретик архивлар

материаллари департамен архивлари ихтиёрига олинди<sup>16</sup>. Бироқ, департамен архиви миллий архивдан мустақил фаолият юритиши белгиланди.

Янги давр Европа кўплаб ҳарбий тўқнашувлар маказига айланди. Ҳарбий ҳаракатлар давомида давлат марказий органлари ва турли муассасаларига тегишли архив ҳужжатлари йўқотилган.

Аммо Европа континенти мамлакатлари орасида, ягона Англия XI асрдан эътиборан йирик ҳарбий ҳаракатлардан йироқ бўлди. Бу ҳолат мамлакатда архив материалларни нисбатан хавсиз сақланишини таъминлаган. Шунингдек, ҳукмат муъмурий аппаратининг мураккаблашуви, раҳбар ходимларни архив ҳужжатларига мурожат қилишга ундади. Бу даврда Англияда мавжуд бўлган архивлар (Давлат хизматлари архиви, Давлат қоғози архиви ва х.к.) ва уларда йиғилган материалларни атрофлича тадқиқ қилиш орқали, Англия колониал сиёсати тўғрисида муҳим маълумотга эга бўлиш мумкин.

Янги, капиталистик муносабатларга асосланган тартибларнинг ўрнатилиши учун XVII аср ўрталаридаги инқилобда инглиз буржуазиясининг ғалабаси катта аҳамиятга эга бўлди. Бу инқилоб эълон қилган принциплар фақат Англияда эмас, бутун Европада капиталистик муносабатларнинг ҳукмрон тартибга айланиши эҳтиёжидан келиб чиққан эди. Айтиш лозимки, инқилобнинг ўзи ҳам шу янги муносабатлар ривожининг қонуний маҳсули бўлди.

Янги шаклланган капиталистик тузум вакиллари, ўзидан олдин фаолият юритган ҳукмат ва тузумни салбий жиҳатларини оммага ошкор қилиш ниятида, архив соҳасини ривожига аълоҳида эътибор қаратиши, соҳани ривожига туртки берган омиллардан бири бўлди. Давлат муассасалари фаолиятини марказлаштириши, назоратини кучайтириш эҳтиёжи ҳукматни Англия қироллик девони ва турли ижроия муассасалар фаолиятига доир ҳужжатларни сақлаш, жамлаш ва тартиблаш ишларини мажбур қилди.

Ҳукмат басқичма-басқич архив ҳужжатларини сақлашга мўлжалланган махсус бино ажратиш, уни жиҳозлаш, материалларни сақлаш шароитларни яхшилаш каби муҳим масалаларга диққат қарата боради.

---

<sup>16</sup> Алексеева Е.В., Афанасьева Л.П., Бутова Е.М. // под редакци профессор Козлова В.П., Архивоведения. – М.: ПрофОбрИЗдат, 2002. 212-213 с.

Хужатлар жойлашган бинолар бу даврда ўрта асрлардан сақланиб қолган, эски черков бинолари, турли қасрлар минораларида сақланган. Бироқ, мавжуд иншоотлар янги даврга келиб талабга жавоб бермай қолганди. Бунга, хужжатлар ҳажмини ниҳоятда ортгани, сақлаш шароитини талабга жавоб бермаслиги каби муаммоларни мисол қилиш мумкин.

Материллар орасида ўз сиёсий аҳамиятини йўқотган деб ҳисобланган хужжатлар талайгина бўлиб, материалларнинг амалдаги ҳукмат фаолиятига даҳил қилмасди. Янги даврда Англия ҳукмати вакиллари эътибори амалда фаолият юритаётган давлат муассасалари билан боғлиқ хужжатларга қаратилади.

Англияда ўрта асрларда хужжатлар сақланган бир неча омборлар бўлиб, шундай омборлардан бири Вестминистрлик саройида Тауэрнинг иккита минорасидан (миноралардан бири архив минораси деб номланган) жой олган<sup>17</sup>. Минораларда йиғилган архив хужжатлари орасида қадимги Капелла қироллиги ҳукмронлиги даври билан боғлиқ бўлган ўрамлар аълоҳида аҳамият касб этади. Охирги хужжатлар сақланадиги махсус омбор XIV асрда бунёд этилган. Бу омборларда қироллик девони ва парламент, ўрта асрлар суд органи, бошқарув аппарати органлари хужжатлари сақланган.

Англияда 1578-йилда асос солинган “Давлат хизматлари архиви”<sup>18</sup> қатор йиллар давомида ўз сиёсий таъсирига эга муассаса сифатида фаолият юритган. Мазкур архив хужжатлари Тюдорлар сулоласи вакиллари ва уларнинг ворислари ҳукмронлиги даври, ташқи сиёсатига бағишланган.

Шунингдек, хужжатлар орасида, мустамлакачилик билан боғлиқ бўлган хужжатлар ҳам учратиш мумкин эди. XVIII асрда парламентнинг аълоҳида департаменларда ўтказган сўрови натижасига асосланиб, ҳукмат Англия пойтахт архивларини фаолиятини ўрганиш мақсадида, бир неча бор махсус комиссия ташкил этган. Комиссияни ўрганиш натижалари акс этган хулосалардан,

---

<sup>17</sup> Иофе В.Г. Всеобщая история архивов и ведущие архивы современного мира. // Методическое пособие для направления бакалавриата «Архивоведение». Пособие рекомендовано к изданию Научно-Методическим Советом Национального Университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека 29 декабря 2009 г., протокол № 5. – Т.: 2009. 58-59 с.

<sup>18</sup> Ковальчук Н.А. Научно-справочный аппарат в архивах буржуазных стран. (Франция, Англия, США): Учебное пособие. – М., 1973. 245-246 с.



Англияда фаолият кўсатаётган архивлар ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермаслиги аён бўлади. 1834-йилда парламент негзида янги кўмита ташки этилиб, унга архивлар моддий–техник баъзасини яхшилаш вазифаси юклатилди. Бирок, кўмитани фолияти вазиятни ўнглай олмади. Кўмилада фаолият юритаётган мутасадди раҳбарлар давлат бюджети маблағларини шахсий манфаатлари йўлида талон-тарож қилган ва одил суд олдида қилмишлар учун жавоб беришга мажбур бўлган. Тавтиш хулосаларида маълум бўлишича, кўмилага ажратилган пул маблағлари, нашр ишларига режада белгиланган миқдордан кўп маблағ сарфланган. Нашрларда халқ оммаси эътиборини архивларга қаратиш ғоялари тарғиб қилинган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу вазифа тахририят томонидан қисман бўлса-да уддаланди.

Англияда миллий тарихий ёдгорликларга қизиқиш Чартистлар ҳаракати даврида кучайди. 1836-йил кўмита фаолиятини тавтиш қилган махсус комиссия Англияда марказий давлат архивини ташкил этиш таклифини ҳукматга киритди. 1838-йилда ҳукмат давлат архивини ташкил этиш тўғрисида қонун қабул қилади. Қонунда давлат архив ўзида қадимги ва амаладги давлат муассасалари фаолиятига доир ҳужжатларни жамлаши кўзда тутилган. Архив ишини назорат қилиш суд органи олий судяси вакили зиммасига юклатилади. Шунингдек, давлат архивида доимий фаолият юритувчи вакил лавозими “ўрам ёзув устаси” жорий қилинган. Ушбу лавозим ўрта асрлардан янги даврга мерос бўлиб, қирол девони ҳужжатларини сақлаш иши билан шуғулланган кишига нисбатан қўлланилган. Давлат архивидаги ишларни ташкил этиш ва бошқариш парламент тайинланган “сақловчи депутат” томонидан амалга оширган. Давлат архивининг дастлабки сақловчиси парламентнинг қадимги ҳужжатларини нашр эттирган тарихчи ва ареогарф олим Ф.Погльгрейф эди. Архив муассасасининг давлат органлари орасидаги нуфузи юқори бўлиб, давлат архиви мустақил фаолият олиб бориб бевосита парламенга ҳисобот берган.

Германия архивларнинг Франция ва Англиядан фарқли жиҳати шунда-ки унинг сиёсий ривожланиш тарих билан боғлиқ. Германияда ўрта аср феодал тузуми узоқ вақт сақаланиб қолган бўлиб, бу ҳолат янги даврда (1871 йилгача)

Германиянинг сиёсий тарқоқлигини таъминлаб келди. Ўрта аср “Муқаддас рим империяси” ўз улуғвор номига муносиб бўла олмади. Империя янгона марказлашган давлат аппаратиغا эга бўлмаган, шу сабабли архив соҳасида умумдавлат аҳамиятига эга бўлган марказий давлат архиви ташкил этиш имкони бўлмади. Императорларга аълоқадор ҳужжатлар, уларнинг шахсий архивларида йиғилиб борилган. Империя маразий муассасалари архивлари, турли империя шаҳарларига жойланган эди. Улар орасида император суди ва император кенгаши каби олий органлар архивлари муҳим ҳисобланиб, улар турли шаҳарларда жойлашган. Империяга ўрта асрлардан катта ҳажмдани материалларга эга кўплаб архивлар мерос қолганди. Шу билан бирга Германиянинг катта кичик давлатлари ўз архивларига эга эди. XVIII асрга келиб Герман давлатларида 3 та типдаги архив шаклланди.

1) Сулола аъзоларига тегишли бўлган ер-мулклари мерос олиш ҳуқуқи ташкил этиш, тож кийдириш, никоҳ, ўлим кабиларни қайд қилувчи ҳужжатларга эга сулолавий архивлар. Улар баъзан ҳукмдорлар резиденциясида, баъзан қасрлар ёки давлат девонхонаси ҳузуридаги регистратурада сақланарди;

2) Давлатлар ўртасидаги шартномалар, дипломатик ёзишмалар ва давлат ҳуқуқига оид материаллар тўпланган давлат архивлари;

3) Ички бошқарув тизимида оид ўлка архивлари. Бу архивларда қонунчилик, ҳуқуқ ва суд, молия каби соҳаларга доир ҳужжатлар сақланган.

Камдан-кам ҳолларда бу материаллар бир жойга йиғилган. Ҳужжатлар асксарият ҳолларда муассасаларнинг архивларида сақланган. Дастлабки икки категориядаги архивлар кўз қорачиғидай асралган. Сабаби улар давлатнинг ички ва ташқи ҳуқуқларига тегишли бўлган. Материалларнинг сақлаш шароитлари ҳам яхши бўлган.

XVII-XVIII асрлардаги ҳукмдорларнинг архивларини тартибга келтириш учун кутубхона ва архив ишидан хабарсиз шахсларни ёллаган. Одатда бундай вазиятда ҳужжатлар илмий тизимлаштириш билан сараланиб аълоҳида предметлари бўйича ажратилган. Ҳукмдорлар буйруғига кўра сарой тарихчилари ҳукмрон сулолани улуғлаб асарлар битган. Шу сабабдан мазкур тарихчиларга архивлардан фойдаланиш имконияти берилган. Ички сиёсатга доир архивларда сақланаётган ҳужжатларга эътибор берилмас ва улар сақлаш шароитлари ҳам талаб даражасида бўлмаган. Тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида бу каби маълумотларга мутлоқ мурожаат қилишмаган. XIX асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий ривожланиш жараёнлари сабабли, Германия давлатларидаги архив ишларида ривожланиш кузатилади. Вена конгресси атрофидаги дипломатик куршлар, ташқи сиёсий ҳужжатларга эҳтиёжни кучайтиради. Немис давлатларининг йириклашуви, гегемонлик учун кураш сулолавий архивларга мурожаат этилишига турки берди. Бу курашда ғолиб келган давлатлар уларга ўз ҳуқуқларини мустаҳкамлаш учун мурожаат қилишса, енгилган давлат ўз даволарини асослаш ёки ўтмишни хотирлаш орқали ўзларини овунтириш учун уларга мурожаат қилишган. Бу даврда ўтказилган ислоҳатларни мураккаб давлатлар бошқарувнинг ички ҳужжатларига эътибор қаратишга мажбур қилди. Улкан архив эндиликда давлат аппаратининг ажралмас қисмига айланди. У ҳам тарихчилар диққатини тортади. Наполеонга қариши курашларда немис халқида ватанпарварликнинг шаклланиши ва милли ўзлиқни англанишига сабаб бўлди. Буржуа тарихчилари қаламидан жангари “германизм назарияси” хусусиятларини халқ ўргана бошлади. Немис тарихий ёдгорликларини нашр қилишн ўзига мақсад қилиб олган тарихий илмий жамиятлар ташкил қилина бошланди. Сулолавий ва дипломатик архивлар сир сақланган. Ўлка архивлари эса барча учун очиқ бўлган. Буларнинг бари у ёки бу шаклда герман давлатларида намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, яни даврда Франция Европада гегемонликни қўлга олди. Мамлакат ҳудудини ниҳоятда йириклашиб кетгани, давлат аппаратини ҳам мураккаб кўриниш олишга туртки беради. Шу нуқтаи назарда архивда

сақланаётган ҳужжатларни характери, мавзуси ва мазмуни турли туман ва ҳажми жуда катта бўлади. Бу эса архив соҳасида ислохатларни ҳаётий заруратга айлантириб қўйган.

Аммо Англия ва Германиядаги ички ва ташқи сиёсий вазият, давлат муассасалари ва ташкилотлари фаолиятига салбий таъсир қилган. Архивларни марказлаштириш борасида олиб борилган ишлар, Францияда тўлиқ амалга оширилган бўлса, Германияда марказий давлат архивини ташкил этиш, марказий архив бошқарув органини шакллантиришга эриша олмади. Англияда архив соҳасини жонлантиришга қаратилган ҳаракатлар ҳали янги давр бошларида кўнгилдагидек эмасди. Англия ҳукмати архивнинг ҳуқуқий асосларни шакллантириган бўлса-да, уни амалга оширишда турли объектив ва субьектив муаммоларга дуч келган.

## **1.2. Франция, Германия, Англия архивлар таркиби - фонд, бўлим ва секциялар**

Директория ва Наполеон консуллиги даври Францияни архив соҳасида эришган ютуқлари инқирозга учрай бошлади. Қонун чиқарувчи орган нуфузини тушиши билан, архив аҳамияти ҳам кескин пасайди. Архивга янги материаллар келиши тўхтади. Сиёсий архивлар дастлаб директори кейин, биринчи консул девони сўнгра, император Наполеон даврида барча давлатни муҳим актлари яширин император архивида сақланган.

Бу даврга келиб миллий архив “Консуллик архиви” деб номланиб, архив ички ишлар органи тасарруфига олинди. Наполеон ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида архивларни ҳам назардан четда қолдирмади. Наполеонда бутун Европа тарихига оид муҳим материалларни ўзида жамланган омбор яратиш ғояси туғилди. Парижда ташкил этилган йирик омборда Европа тарихига оид муҳим манбалар жамланди. Наполеон Европа меросхўрига айланиш мақсадида шу ишга кўл урганди. Ўша давр Европанинг турли мамлакатларида герцогларга тегишли бўлган архивлар кўп эди. Бу архивларни бир жойга жамлаш имкони бўлмади, сабаби архивлар жуда бетартиб эди.

Франциядаги мавжуд архив биносида бу каби катта ҳажмдаги ҳужжатларни сиғдириш имкони йўқ эди. Шу нутаиназардан Император Сена дарёси қирғоғида архив материалларни сақлашга мўлжалланган янги бино бунёд этишга фармон беради. Қурилиш ишлари 1810-йили бошлаб юборилди. Империя қулаган (1812 йил)вақт меъморлар бино фундаментини барпо этишга улгиришгандилар. Наполеон архив соҳасида қилган қабихликлари бутун Европа давлатлари архивларига қимматга тушди.

Рим Ватикан архиви, Испания Симанкас архиви жуда катта талофат кўради. Архивларни Парижга олиб келиниши давомида кўплаб ҳужжатлар йўқотилган. Бироқ, Вена шартномасига биноан Франция ушбу материалларни жойига қайтаришга мажбур бўлди. Ҳужжатларни жойига қайтариш жараёни тартибсиз, эътиборсизлик билан амалга оширилди. Материалларни баъзилари ҳатто Францияда бутунлай қолиб кетади.

XIX аср бошларига келиб Франция миллий архиви аҳамияти пасайган бўлса-да, у тарихий манбалар сақланадиган чинакам хазина ҳисобланарди.

Архивда инқилобгача бўлган давр ҳужжатлар жамланмаси ва фондлар, қироллик сарой архиви, суд ва маъмурий архивлар, черков, рицарлик орденлари архивлари, турли солномалар сақланган. Кейинчалик инқилоб даври билан боғлиқ бўлган муҳим ҳужжатлар архивга жойлаштирилди. Бироқ, архивга янги материалларни келиши суст бўлиб, фақат ички ишлар органлари материаллари доимий тушиб турган.

XIX аср бошларига келиб архивга йиғилган ҳужжатлар бир тизимга келтирилди. Тизимни шаклланиши Камю давридан бошланиб, унинг шогирди Дон бу ишларни яқунлашга эришди. Архив фаолиятини ташкил этишда XVII-XVIII аср архивистлари анаъналарига содиқ қолиниб, материаллар мавзуга қараб гуруҳларга ажратилган.

Гуруҳлар секция ва серияларга ажратилган. Дон даврига келиб секциялар сони 6 тага етади:

- 1)қонунчилик; 2)маъмурий; 3) тарихий; 4)топографик; 5)Домениал; 6) ҳуқуқий;

Секциялар ўз навбатида мавзуларга қараб серияларга ажратилган. Сериялар шу даражада кўпайиб кетган-ки, уларни белгилаш учун ҳатто алифбода мавжуд ҳарфлар етишмас, серияларга икки ва уч та ҳарф қўйишга тўғри келарди.

XVIII-XIX асрларга келиб тизимнинг салбий жиҳатлари кўриниб қолади. Салибий ҳолатга фондларнинг тарқалиб кетганлигини мисол қилиш мумкин. Шунингдек “Хартияси хазинаси”даги ҳужжатлари ажратилмасдан бир серияда жамланган.

Бурбонлар ҳукмронлиги давридан бошлаб архив қироллик архиви номини олади. Арихивга Қиролнинг шахсий оливаий ҳужжатлари ҳам топшириладиган бўлди. Францияга қайтган иммигрантларга тегишли бўлган ҳужжатлар ҳам шу архивга жамланган.

Бу даврга келиб Францияда марказлашган архив тизимини яратиш кун тартбидаги долзарб муаммога айланиб улгурди. Тизимга эҳтиёжни кучайишида 1830-1848-1871-йилларда бўлиб ўтган инқилоблар катта роль ўйнади. Ҳокимиятга эришган ҳар бир ҳукмат, ўзидан олдин ҳукмронлик қилган, авлодларининг ҳужжатларини архивларга топширилишидан манфаатдор эди. 1848-йил бўлиб ўтган инқилобдан сўнг архивларга кўплаб давлат бошқарув органлари фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар топширилган. Хусусан, директория иш фаолияти билан аълоқадор ҳужжатлар, империя марказий ижроия органлари ҳужжатлари, Бурбон ва Орлен сулолаларига тегишли ҳужжатлар ва ҳ.к. Кейинчалик ўз фаолиятини яқунлаган давлат муассасаларнинг ҳужжатларини архивларга топшириш тартиби жорий қилинган. Аммо белгиланган тартибга қисман амал қилинган.

Етти мессидор даврда қабул қилинган қонунга биноан ташкил этилган дистриктлар архиви фаолияти қисқа бўлди. 1796-йилга келиб Франция дистриктга бўлиниши бекор қилинди. Мамлакат депортаментларга ажратилиб, уларнинг таркибида архивлар ташкил этилади. Бироқ, директория даврида архивларни марказлаштириш ишлари ҳукмат эътиборидан четда қолади. Депортамент тасарруфидаги архивлар (1800 йилдан префектларга) маҳаллий

ҳоқимиятга бўйсундирилган. Лекин миллий архивнинг маҳаллий архивлар билан аълоқаси таминланмади.

Маҳаллий ҳоқимият вакиллари архив материалари аҳамиятини муҳим эканлигини англаш даражасида эмас эдилар. Шу сабабдан маҳаллий архивлар ўз тақдирига ташлаб қўйилган.

30-йиллардан бошлаб тарих фанлари ривожини, ҳақиқий, янги манбаларга эҳтиёжни ортиши департамент архивларида сақаланаётган бой тарихий архив материалларига эътиборни кучатирди. Инқилоб даврида ҳужжатларни бир қисми Парижга жўнатилишга қарамадан департамент архивларида эски тузум маҳаллий бошқарув органлари материаллари, инқилоб даври материаллари, XIX аср маҳаллий бошқарув органи материаллари мавжуд эди.

1839-йилда материалларни департамент архивларида сақлаш, 1841-йилда улани классификация қилиш учун йўриқномалар ишлаб чиқилди. Классификациялар йўриқномасида фондларга аълоҳида эътибор берилиб, фондларни ажратмаслик белгиланганди. Шу тарзда департамент архивлари, миллий архив материаллари мавзуга қараб ажралишдан сақлан қолинди. Бу йилларда маҳаллий архивларни бошқа турларини ташкил этиш чоралари ҳам қўрилган. 1841-1842 йилларда коммунал ва госпитал архивларини ташкил этиш бўйича йўриқномалар чиқарилган. Уларнинг ҳар иккаласи департамент архиви директори томонидан назорат қилиниши белгиланди. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи ярмида Францияда турли архивлар фаолият юртган. Бироқ архивларни бирлашган ягона тизим мавжуд бўла олмади. Архивлар турли вазирликларга бўйсунарди. Маҳаллий архивлар назорати тез-тез у вазирликдан бу вазирлик тасарруфига ўтказилиб турилган. 1870-йилда Миллий архив Маданият ва Санъат вазирлиги тасарруфига олинган. Давлат архивлари орасида ўзаро аълоқани йўлга қўйишга эътибор берилди бошлади. 1884 йилда архивларни ягона тизимга бирлаштиришга қаратилаган икки янги қонун қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этган. Маданият ва Санъат вазирлиги ҳузурида 1897-йилдан бошлаб архив бошқармаси ўз фаолиятини бошлади. Бошқарма фаолияти миллий архив директори томонидан бошқариладиган бўлди.

Архив бошқармаси таркиби:

- 1) Архив ишига доир қоидалар ва йўриқномалар ишаб чиқарувчи, архивлар, вазирликлар, илмий муассаса вакилларида таркиб топган комиссия;
- 2) Маҳаллий архивларни назорат қилувчи архив инспекциясидан иборат.

Дастлаб департамент архивлари архивист-палеограф маълумотига эга мутахасис томонидан бошқарилган бўлса, кейинчалик назорат архив бошқармаси ва миллий архив директорида ўтади. Давлат архивлари таркибига кирманган коммунал ва госпитал архивлари ҳам департамент архивлари назоратига олинган. Бу тадбирнинг қўлланилиши билан Францияда архив тизимини марказлаштириш ниҳоясига етказилди. Аммо, қўрилган чоралар архивларни тўлиқ марказлаштириш учун етарли бўлмади. Давлат архивларида кўплаб эски тузум билан боғлиқ ҳужжатлар сақланган. Маҳаллий архивларга 50-йил муддат бўлган ҳужжатлар топширилиши белгиланган. Миллий архивларга давлат муассаларининг ҳужжатларини топшириш механизми ишлаб чиқилган. Давлат ташкилотлари вақи-вақти билан ўз ҳужжатларини архивларга топширишган. Лекин, кўплаб корхона, ташкилот ва муассасалар ҳужжатлари ўз архивларида қолиб кетган. Баъзи вазирликлар ўз ҳужжатларини умуман архивларга топширманган. Хусусан, парламент, ташқи ишлар вазирлиги ва ҳ.к. Улар устидан назорат ўрнатишга уриниш бекор кетади. Шунингдек, хусусий мулк эгаларининг архивлари ҳам марказлашув қўлампидан четда қолади. Тарихий материалларни марказлаштириш ишлари тўлиқ амалга оширилди. Архивлар билан рақобатлашувчи кутубхона ва музейларда сақланаётган қўлёзмалар, солномалар, асарлар мавжудлиги масалани чигаллаштриб юборган.

Париж миллий кутубхонаси Арсенал, Санъат ва Археология кутубхоналари ноёб қўлёзмалар коллекцияларига эга эди.

Кутубхоналарда сақланаётган ноёб қўлёзмаларни архивларга ўтказишга уруниш мувофақиятсиз яқунланди. Ўзаро музакоралар натижасида кутубхона ва архив ўртасида ўзаро айрабошлашга келишиб олинди холос.



XIX аср ўрталарига келиб, архивлар учун ягона тизими ишалб чиқилган. Ахрив ҳужжатлари икки секцияга бўлинган:

1)1789-йилгача бўлган эски тузумнинг ҳужжатлари

2)Янги тузум ҳужжатлари

Иккинчи секциядаги ҳужжатлар орасида Француз инқилоби даври (1800 йилгача) “оралқ давр” сифати аълоҳида гуруҳларга ажратилди. “Оралик давр” номини берилишидан шуни англаш мумкин-ки буржуазия инқилобига салбий муносабатда бўлган. Тадқиқотчилар учун ярим асрга эга ҳужжатлари кўриб чиқишга рухсат этилди. Бошқа категориядаги ҳужжатлар учун (шахсий, нотариал ва х.к) узоқ муддат белгиланди.

Янги давр Англияда амалга ҳукмати малакатда архив соҳасини ривожига жиддий эътибор беради. Бироқ бошқа Европа давлатларида бўлгани каби Англияда ҳам марказий архив тизими, маҳаллий давлат архивлар тизими мамлакатда мавжуд эмасди.

60-йилларга келиб давлат архиви ўз фаолиятини яқунланган ташкилотлар ва юқорида номлари келтирилган Лондон шаҳри эски ҳужжатлар омбори материаллари “Давлат қоғозлари архиви” ва бошқа ташкилотлар материаллари билан тўлдирилган.

Англия архив қонунчилиги консерватив хусусияти шундан иборатки, келиб чиқиши кескин фарқ қиладиган ҳужжатлар архивга турли вазиятларда топшириларди. Ўрта асрлардаги давлат муассасалари архивлари, суд ҳокимияти фаолиятига доир ҳужжатлар архив тасарруфига киритилган. Мавжуд давлат муассасалари ва “Давлат қоғози архиви” материаллари архивга топширилганда вазирликлар улар устидан мулк ҳуқуқларини сақлаб қоларди. Бу ҳужжатлардан фойдаланиш шартларини ўзлари белгилашган.

Давлат архиви материаллари икки катта гуруҳга ажратилган.

1.Юридик ҳужжатлар;

2.Давлат ҳужжатлари;

Бу каби гуруҳлаш кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарган. Ҳужжатлар характери ҳам аниқ эмас, қолаверса аниқ хоронолигиеси ҳам йўқ эди. Юридик

хужжатлар бўлими фондида қадимги хужжатлар сақланадиган омборларда Весминстр, Тауэр ва Капелла қаср хужжатлари, ўрта асрларда ҳукмронлик қилган сулолалар давлат кенгашлари архиви ҳам ўрин олган. Мазкур архив материаллари орасида “Даҳшатли суд китоби” (1086 йй), “Буюк эркинлик хартияси” (1221 йй) қирол фармонлари, ёрлиқлар, дипломлар мавжуд эди. Улар орасида ўрта асрлар давлат муассасалари фондлари ҳам аълоҳида аҳамиятга молик. Уларга қирол девони (XII асрдан бошланган) Шахмат тахтаси палатаси хужжатлари (XII асрдан бошланган)ни киритиш мумкин. Бу каби хужжатлар феодализм даврида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, архивда парламентнинг XIII асрдан бошланган хужжатлари, баённомалар, черков ташкилоти ва черков ер эгаллигига доир қадимги хужжатлар коллекцияси ҳам сақланиб қолган.

Англия архивнинг иккинчи гуруҳ материалларига XVI-XVIII асрлардаги давлат ички ва ташқи сиёсати билан аълоқадор хужжатларни ўзида мужассамлаштирган “Давлат қоғозлари архиви” материаллари киради. Хужжатлар мазмуни инглиз флотининг қурилиши, денгиз савдоси ва колонизация сиёсати каби мавзуларга бағишланган. Материллар орасида колонизация сиёсатига бағишланган хужжатлар ўта муҳим саналади. Кейинчалик архивлар бевосита амалда фаолият юритаётган давлат муассасалари хужжатлари билан доимий тўлдирилиб борилди. Аммо хужжатларни архивга топширишни белгиланган муддати, хужжатларни расмийлаштириши аниқ тизими ишлаб чиқилмаган, шу сабабли давлат архиви ва вазирлик архивлари орасида аълоқалар узилиб қолган эди. Европа давлатлари марказий архивлари билан Англия давлат архивини таққосланганда, Англияда материаллар мавзуга қараб гуруҳлангани гувоҳи бўласиз. Гуруҳлаш асосан ёрлиқларга нисбатан қўлланилган. Мавжуд материалларни давлат ташкилотлари ёки тарихий аҳамиятига кўра ҳам ажратиш тажрибаси қўлланилган.

1838-йилда Англияда архив соҳасида қатор ислоҳатлар амалга оширилди. Ислоҳатларда кўзда тутилган барча вазифаларни бажариш имкони бўлмаса-да,

сезиларли ўзгаришлар қилинди. Давлат архивида Англия тарихига оид ҳужжатлар бўлими ташкил қилинди. Бўлимдаги ҳужжатларда нафақат Англия балки, унга қўшни давлатлар тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба вазифасини бажаришга хизмат қиладиган материаллар сақланган.

Архив ҳужжатларидан илмий мақсадларда фойдаланишдаги турли ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида 1869-йилда давлат архиви билан ҳамкорликда тарихий қўлёзмалар архиви ташкил қилинди. Архив асосан қўлёзмаларни нашр қилиш ишлари билан шуғулланган. Шунингдек архивда ҳар йили архивлар ҳисоботи ва архивлар рўйхати акс этган “Календар” нашр қилиб борилган. Архив ҳужжатлардан нусхалар олиниб уларни нашрга тайёрланган ва нашр қилинган. Бунда тадқиқотчилар керакли материални чоп этилган календардан олиши кўзда тутилган эди. Асл нусхага бўлган эҳтиёж шу йўл орқали қондирилган. Бироқ Англияда “Календар” қаттиқ танқидга учради. Танқидчилар “календар”да босилган манбалар тўлиқ эмас ва тадқиқотлар учун албатта ҳақиқий манбани кўриш лозим деб ҳисоблашардилар. Наширёт материалларни тўлиқ чоп этиши жуда мушкул бўлган сабаби, ҳажм катталиги боис чоп этиш ишлари бир неча йилга чўзилиб кетиши мумкин бўларди. Бунинг ўрнига ҳужжатлар матнини қисқартирилган ҳолда чоп этиш билан қизиқувчиларга қисқа муддатда архив ҳужжатлари ҳақида умумий маълумотлар бериш ражаси илгари сурилди. Танқидларга қарамасдан “календар” нашр қилиш давом этди. Календарнинг кўп сонларида “Давлат қоғозлари архиви” ҳужжатлари нашр этилди.

Бироқ давлат архиви ташкил қилингандан сўнг ҳам кўпчилик ҳужжатлар турли вазирликлар архивларда сақланган. Архивларда материаллар масалан Адмираллейств бир неча юз йиллардан буён сақланган бўлса, айрим идоралар ўз ҳужжатларини давлат архивига умуман топширмаган. Парламент ўз ҳужжатларини архивга мутлоқ топширманган ташкилотлар сирасига киради. Гарчи парламентнинг ўрта асрлар даври фаолиятига оид ҳужжатлар архивда сақлансада.

Ҳиндистон ишлари бўйича вазирлик ҳам ўз ҳужжатларини архивларга топшириш хавfli ҳисоблаб топширманган. Ҳукмат ўз колониал сиёсати билан боғлиқ бўлган сирларнинг очилиб қолишидан чўчиб бу материаларни архивга топширмасди. Ҳиндистон ишлари бўйича вазирликда Ост-индия компаниясига (1600-1853 йй) доир ҳужжатларни мерос қилиб олган. Архив материалларида охириги юз йилликда Ҳиндистон халқи тарихига доир муҳим манба ҳисобланади.

1877-йил 14 августда қонун билан ташкилотлардаги кераксиз ҳужжатларни йўқотишни тартибга солишга уриниб кўрилди. Қонун мазмуни “ўрамлар устаси” сақлашниши лозим бўлмаган ҳужжатларни ажратиш учун умумий қоидаларни ишлаб чиқиши вазифаси юклатилган. Ҳар бир ташкилотда бу қоидадан келиб чиқиб сақланадиг ва йўқотиладиган ҳужжатлар рўйхати шакллантирилиши лозим эди. Рўйхат давлат архиви инспектори томонидан кўриб чиқилган ва тасдиқланган. Шу йўл билан ташкилотларнинг архив соҳасидаги ўзбошимчалигига чек қўйилди. Шундай қилиб ажратилган маклатура устидан далаат архивининг назорати расмий характериға эға бўлади. Барча тарихий қийматға эға ҳужжатлар қафолат йўқ эди. Яғона марказий архив ташкил қилиш режаси амалға ошмади. Маҳаллий архивлар фаолияти ўз ҳолиға ташлаб қўйилди. Франция департемен архивлариға ўхшаган провинциал архивлар Англияда ташкил этилмаган. Жойларда ҳужжатлар ташкилотларнинг шахсий архивларида йиғилган. Булар орасида йириклари графлик кенгаши ва графлик судлари архивлари ҳисобланган. Жойларда ўз фаолиятини яқунлаган идоралар ва мансабдор шахслар фаолияти билан боғлиқ ҳужжатлар, шерифлар архивлари ва х.к.

Маҳаллий архивлар мустақил фаолият юритган. Маҳаллий архивлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва яғона марказдан туриб назорат қиладиган орган мавжуд бўлманган. Шунингдек черков архивлари ҳам бошқа Европа давлтларида бўлгани каби мутлоқ мустақил эди. Маҳаллий архивларға тегишли ҳужжатларнинг катта қисми ер-мулк эғалари қўл остида бўлган. Ўрта асрларға тегишли қадимий ҳужжатлар вотчина ва оилавий архивларда учраб қолади. Вотчина архивлари инглиз қишлоғидаги аграр муносабатларни ўзида ак эттирган

хужжатлардан иборат. Оилавий архивларда келиб чиқиши расмий бўлган хужжатлар ҳам кўп. Бу оила аъзоларидан бири давлат мансабида фаолият юритган даврда уларнинг кўлига хужжатлар тушиб қолиши натижасида шаклланган.

Германиянинг янги давр тарихи, Италия тарихига монан сиёсий тарқоқлик ҳукм сураётганди. Мамлакат 300 дан ортиқ майда давлатларга бўлиниб кетди.

Ўрта асрларда ташкил топган “Муқаддаси рим империяси” деган улуғвор ном билан аталган империя, ҳали ҳам расман мавжуд бўлса-да, унинг амалий аҳамияти сира кўринмасди. Империяда император сақланиб қолган бўлса-да, унинг провинциаларга таъсири йўқ, империя на ягона суд, на қонунчилик, на марказга эга эди.

Архив соҳасини ривожига юқоридаги омиллар бевосита таъсир қилди. Империянинг йирик ҳар бир шаҳрида сулолалар ва дипломатик архивлар муҳим саналиб, материаллар йиғилиши ва сақланиши ҳукмат назоратида бўлса, провинцианал архивлар ночор ҳолда эди. Бу каби ҳолатлар янги даврда Германия архивлари учун ўзига хос аҳамият касб этган.

Германияни узоқ вақт мобайнида сиёсий тарқоқлик ҳукмига маҳкум этилиши, архив соҳасига ҳам жиддий салбий таъсир қилади. Германияда сиёсий тарқоқлик монархияси, янги даврга келиб ҳам, малакатни тарқоқлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўрта аср “Муқаддас рим империяси” ўз улуғвор номига муносиб бўла олмади. Империя янгона марказлашган бошқарув аппаратига эга эмас, шу сабабдан архив соҳасида умумдавлат аҳамиятига эга бўлган, марказий давлат архиви ташкил этиш имкони бўлмади. Императорларга аълоқадор хужжатлар уларнинг шахсий архивларида йиғилиб борилган.

Империя марказий муассасалари архивлари турли империя шаҳарларида жойланган эди. Марказий органлар орасида император суди ва император кенгаши каби олий орган архивлари муҳим ҳисобланиб, улар турли шаҳарларда жойлашган. Ўрта асрлардан империяга катта ҳажмдаги материаллар мерос

қолган эди. Немис давлатлари ҳам ўз архивларига эга эдилар. XVIII асрга келиб Немис давлатларида уч типдаги архив шаклланди.

1) Сулола аъзоларига тегишли бўлган ер-мулкни мерос олиш ҳуқуқи билан боғлиқ расмий ҳужжатлар, тож кийдириш, никоҳ ўлим кабиларни қайд қилувчи ҳужжатларга эга сулолавий архивлар. Улар баъзан ҳукмдорлар резиденциясида, баъзан қасрлар ёки давлат девонхонаси ҳузуридаги регистратурада сақланган;

2) Давлатлар ўртасидаги шартномалар, дипломатик ёзишмалар ва давлат ҳуқуқига оид материаллар тўпланган давлат архивлари;

3) Ички бошқарув бўйича ўлка архивлари. Бу архивларда қонунчилик, ҳуқуқ ва суд, молия каби соҳаларга доир ҳужжатлар сақланган. Камдан-кам ҳолларда бу материаллар бир жойга йиғилган. Ҳужжатлар ақсарият ҳолларда муассасаларнинг архивларида сақланган.

Дастлабки икки категориядаги архивлар кўз қорачиғидай асралган. Сабаби улар давлатнинг ички ва ташқи ҳуқуқларига тегишли бўлган. Материалларнинг сақлаш шароитлари ҳам яхши бўлган.

XVII-XVIII асрлага тегишли ҳукмдорлар архивини тартибга келтириш учун кутубхона ва архив ишидан беҳабар шахсларни ёллаган. Ҳукмдорлар буйруғига кўра, сарой тарихчилари ҳукмрон сулолани улуғлаб асарлар битган. Шу сабабдан мазкур тарихчиларга архивлардан фойдаланиш имконияти берилган.

Сиёсий мазмундаги архив материалларга ақсарият ҳолларда мурожат қилинмаган, бу категориядаги ҳужжатларни сақланиш ҳолати талабга жавоб бермасди. XIX асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий ривожланиш оқибатида, немис давлатларидаги архив ишида ривожланиш кузатила бошлади. Вена конгресси атрофидаги дипломатик курашлар, ташқи сиёсий ҳужжатларга эҳтиёжни кучайтиради. Немис давлатларининг йириклашуви, гегемонлик учун кураш сулолавий архивларга мурожат этилишига турки бўлди. Бу курашда ғолиб келган давлатлар, уларга ўз ҳуқуқларини мустаҳкамлаш учун мурожат қилишса, енгилган давлат ўз даволарини асослаш ёки ўтмишни хотирлаш орқали ўзларини овунтириш учун уларга мурожат қилишган. Бу даврда ўтказилган ислохатлар

марказлашган давлатлар бошқаруви, ички сиёсати билан аълоқдор ҳужжатларига эътибор қаратишга мажбур қилди. Улкан архив, эндиликда давлат аппаратининг ажралмас қисмига айланди. Тадқиқотчиларни архив манбаларига эҳтиёжи тобора орта борди.

Напалеонга қарши курашларда, немис халқида ватанпарварлик ва миллий ўзликни англаши кучайди. Буржуа тарихчилари ижодига асосланиб жангари “германизм назарияси” хусусиятларини халқ ўргана бошлади. Немис тарихий ёдгорликларини нашр қилишни ўзига мақсад қилиб олган, тарихий-илмий жамиятлар ташкил топди.

Германияда сулолавий ва дипломатик архивлар махфий сақланган. Ўлка архивлари эса барча учун очиқ бўлган. Буларнинг бари у ёки бу шаклда герман давлатларида намоён бўлади. Биз улардан асосан йирик уч немис давлати архивларини кўриб чиқамиз.

Пруссия архив соҳасида амалга оширилган ислоҳатлар Карл Гарден шахси билан боғлиқ. 1810-1812-йиларда Гарден томонидан амалга оширилган ислоҳатларда орасида, XVI асрдан бошлаб архив ҳужжатларини бир жойга йиғиш ва марказлашган давлат архивини ташкил этиш ғояси муҳим бўлди. Махфий давлат девони ўз фаолиятини яқунлагач, унинг архиви ички ишлар вазирлиги тассаруфига ўтган. Бу архив, эндиликда тарихий идоравий архив ном билан юритила бошлади. Архив давлат девонига бўй сундирилиб, унга ўтмишда фаолият юритган, барча давлат муассасалари ҳужжатларини йиғиш мақсад қилинди. Бироқ, лойиҳа имлий жамият вакиллари ва давлат мансабидаги мутасадди раҳбарлар қаршилиги сабаб амалга ошмади. Кейнчалик амалга оширилиши кўзда тутилган ислоҳатлар, боши берк кўчага кириб қолди. Ҳужжатлар яна идоравий архивларга қайтарилди ва илгари белгиланган тартиб асосида, ўз фаолиятини давом эттирди. Идоравий архив ҳужжатлари таркибига тугатилган ва қисман янги давлат муассасалари материалари ҳам киритилди. Шунингдек, дипломатик ҳужжатлар, ёрлиқлар ва хариталар коллекциялари ҳам архивдан ўрин олади. Пруссияда реакциянинг авж олиши, архив соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Архивларнинг асосий вазифаси фан тараққиётига эмас

балки, ҳукмат вакиллари сиёсатини улуғлашга хизмат қилиши лозим эди. Архивларга тадқиқотчилар йўлатилмас ва шу ваздан бу архивлар номига “махфий” сўзи қўшиб ишлатиларди.

1848-йилги инқилоб бостирилгач, Гогенцолерлар вазиятдан фойдаланиб, архивдан ўзига тегишли материалларини олиб, Лоттенбургдаги ўз резиденциясига жойлаштиришга мувофақ бўлишган. Пруссия ва Бранденбурда ҳам мустақил архивлар ташкил қилинади. Бу архивлар сарой вазирликлари тасарруфида тузилган.

XIX аср бошларида Пруссияда провинцианал архивлари фаолияти жонланди. 1831-йилда “Давлат вазирлигига” қарашли архив бошқармаси ташкил этилди. 1852-йилда вазирлик президент бошқарувга ўтди ва шу йўл билан мустақил архив органи ташкил топди. Давлат архиви директори, давлат архиви бошқармаси билан бирлаштирилди. Охирги орган 1852-йилдан бошлаб идоравий характерни йўқотиб, марказий хусусиятга эга бўла бошлади. 1874-йилда унга 1801-йилдан мавжуд бўлган молия вазирлигига қарашли тугатилган молиявий ва маъмурий ташкилотларнинг ҳужжатларда таркиб топган вазирлик архиви қўшилди. Пруссия архив материаллари мазмуни мамлакатдаги полиция ва буюракратик тенденциялар намоён бўлади.

Архивга ишга қабул қилинадиган ходимлардан махсус гувоҳномалар талаб қилинарди. Архив муассасаси ходими етарли даражадаги сиёсий билимга эга бўлши ва архивда ўрнатилган қатъий тартибга ривоя қилиши талаб қилинарди. Пруссия архив уставининг талабларидан бири, архив ходими илмий-тадқиқот ишлари билан шуғилланиши таъқиқланган.

Пруссия архиви ўзга хос хусусиятга эга эди. Архивнинг эски ва янги репозиторлари яширин давлат девони материаллари ва регистуратурларини ўзида жамланган. Баъзи материллар аълоҳида давлат муасасаларига тегишли эди. Масалан бош диреториятга боғлиқ ҳужжатлар. Маълумотлар мазмуни ўрта асрлар ёрликлари, хўжалик шартномаларидан иборат эди. Ниҳоят, 1881-йил машҳур немис архивистлари ишлаб чиққан устав асосида, архивда расман келиб чиқиш принци қабул қилинди. XIX аср охири XX аср бошларида Пруссияда



архивлар фаолиятини яхшилаш мақсадида кўпгина ислохатлар ўтказилди. Мисол учун шаҳар ва провинция архивлари учун махсус бинолар барпо этилди. Курилиш ишларида 1896-1914-давлат архивларининг бош архитектори бўлган Козернинг хизматлари катта. Худди шу даврда, келиб чиқиш принципи асосида провинция архивидаги материалларни классификация қилишга киришилди.

Боварияда юқорида зикр этилган уч турдаги архивлар мавжуд бўлган. Бовария архивлари Пруссия архивларига нисбатан, қадимий ҳисобланган. Шунингдек, яна бир фарқли жиҳати архив материаллари умумгерман аҳамиятига молик ва ўрта аср Европа давлатлари тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланган. XIX аср бошларида Бовария, Наполеон Францияси билан иттифоқдош эди. Франция тажрибаси Бавария давлат тузилиш шаклида яққол намоён бўлади. Бовария ҳукмрон доиралари, Франция кўмагида немис давлатлари орасида гегемонликни кўлга киритишга умид қилган. Боварияда, Франция таъсирини кучайиши тарафдорларидан бири, бош вазир М.Монжела эди.

Архив соҳасида амалга оширилиши кўзда тутилаётган вазифалар бош вазир М.Монжела тегишли бўлиб, ислохатларга Франция тажрибалари асос қилиб олинганди. Бош вазир архивларни марказлаштириш керак деган ғояни илгари сурган. Марказий архивга сулолавий ва дипломатик архивлар қўшилиши лозим бўлган. Шунингдек, 1410-йилги Виттембер сулоласи ҳукмронлиги йиллари ҳужжатлари ҳам киритилган. Ушбу архив “империя архиви” деб номланган. Архивга, “империя” қўшимчасини қўшилишидан мақсад, келажакда Германияни империяга айланиши назарда тутиганди. Империя архивига провинциялар архивлари бўйсундирилган. Бироқ, таклиф этилаётган лойиҳанинг бир қисмигина қаллаб-қувватланган холос.

Саксонияда архив иши борасидаги ислохатлар 1832-йилдан бошланган. Дрезден шаҳрида давлат архиви тузилади. Унда ташқи, ички сиёсат ва сулолавий архивлар матераиллари жамланган. Архивга маҳаллий архивлардаги қадимий ҳужжатлар жойлаштирилган. Провинцианол архивлар бирлаштирилиб ягона архив тармоғи ташкил этилган. Марказий архивга материалларни келишини аниқ механизими йўқлиги, архивист мутахасис етишмовчилиги, кўзланган натижа

бермади. 1856-йилда раҳбарлик лавозимига машҳур тарихчи Вебер тайинлангач, вазият ўзгарди. Унинг ташаббуси билан, архив фаолияти тартибга солинади ва Саксония архиви Германиянинг муҳим архивларидан бирига айланади. Шу тариқа, немис давлатларида қисман марказлаштириш амалга оширилади. Вютемберг, Баден, Гессен ва бошқа давлат ҳудудий архивлар бирлаштирилган. Бу давлатлар архивларида сақланаётган материаллар хронологияси XVI-XVII асрларга аълоқадор бўлган. Кичик давлатларда маҳаллий давлат архивлари шаклланмаган. Германияда ўтказилган марказлаштириш, бошқа капиталистик давлатларда бўлгани каби, фақатгина давлат муассаси архивлари кесимида амалга оширилди.

## **II. БОБО. XVII-XX асрларда Ғарбий Европа архив соҳаси ютуқлари**

### **2.1. Архиви материалларини ёритишга бағишланган илмий-оммабоп нашрлар ва архив таълим.**

Янги давр Франциянинг Европа континентида гегемонликни қўлга киритиши, барча тармоқ ва соҳаларни ўзига хос ривожланишини таъминлади. Бу ўзгаришларни матбуот, фан, таълим соҳаларида ҳам кўриш мумкин эди. Даврий матбуот органларига жамиятни эҳтиёжи тобора борди. Мамлакатда чоп этилаётган газета, журналлар сони ортиб, материаллар ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ёритишга қаратилди. Илм-фан соҳасида ҳам сезиларли силжишлар бўлди. XIX асрларнинг 30-йилларидан бошлаб тарих фалсафасида янги позитивизм йўналиши вакиллари О.Кант (Франция), Ж.С.Милль ва Г.Спенсерлар (Англия)лар томондан тарихий жараёнларни хусусан, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини ҳар томонлама чуқур ўрганишга интилиш, ёзма манбаларга эътибор билан ёндашиш, уларни таҳлилий этишининг танқидий методларини яратиш ва бу орқали жараёндаги ҳақиқатни холисона ёритишган интилди.<sup>19</sup> Бу ҳолат архивда сақланаётган манбаларга мурожаат қилишга сабаб бўлади. Архив илмий талабларни қондириш мақсадида, архив материаллар хусусияти, ҳолати, фонд ва секциялар тўғрисида илмий нашрлар ташкил эта бошлади. Нашрларда архивда сақланаётган, илмий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган материаллар ҳақида умумий маълумотлар бериб борилган.

XIX асрда Француз архивистларини архив соҳасига бағишлаб кўплаб қўлланмалар чоп этилди. Архив ишини ташкил этишга мўлжалланган маълумотномалар, ўқув, ўқув-услубий қўлланмалар нашрини ҳам аълоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Миллий ва маҳаллий архивлар рўйхати “инвентарлар”, “кўрсаткичлар”, “репертуфлар”нинг сериялари нашр юзини кўрди. Бордьенинг “Франция архивлари” (1855 йил), Ш.Ланглуанинг “Франция архиви тарихи” (1893 йил) каби путеводителлар нашр этилган.

---

<sup>19</sup> Салимов Т.Ў. Жаҳон тарихи (Европа мамлакатлари V-XV асрларда). Т., “Университет” 2014. –Б. 5-6

“Кутубхона ва архивлар йилномаси” архиш иши ҳақида мақолалар ёзишда даврий матбуот органига айланган. Франция археография соҳасида турли илмий муассасалар, жамиятлар ва аълоҳида тарихчилар томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Айниқса Франция тарихи жамияти ва тарихий қўмита (1834 йил ташкил топган) томонидан чоп этилган кўп қисмли “Франция тарихига оид ҳужжатлар” тўплами жуда катта аҳамиятга эга. Аммо тўпламда асосан ўрта асрларга оид ҳужжатлар нашр этилган.

XIX аср иккинчи яримида Францияда архивларнинг марказлашган тизими жорий қилинди, кутубхоналарда сақланаётган ноёб қўлёзмалар коллекциясини ўрганишга эҳтиёжни ортиши, айрим вазирликлар ўз архивларини тартибга солишга урунишлари, кадрларга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарди. Бу муаммони ҳал қилиш борасида Фарбий Европа давлат ҳукматлари турли амалий чоралар кўришга киришган. Бироқ, бу борада Французлар анча илгарилаб кетишган эдилар. Франция Париж шаҳрида “Хартиялар мактаби” архивист мутахасислар тайёрлашга ихтисослаштирилган.

Мактабда таҳсил олувчиларга мутахасислик фанлар тарихий материаллар рўйхатини тузиш, рўйхатларни шаклантириш учун қўлёзма ва ҳужжатлар билан ишлаш, архив ва кутубхона иш тартиби ва маҳсус тарихий фанлардан сабоқ берилган.

1821-йилдан бошлаб архивист мутахасислар тайёрлаш учун Францияда дастлабки уруниш бўлди. Бироқ, “Хартиялар мактаби” ҳузурида ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган ўқув муассаса атига 2 йил фаолият кўрсатган. 1882-йилга келиб муассаса фаолияти қайта тикланди. Ўқув муассасасида архивистлардан ташқари полграф ва дипломатлар ҳам тайёрланган. Шу йилдан бошлаб муассасанинг мамлакатдаги йирик архивлар билан аълоқаси йўлга қўйилди. Мактаб тингловчиларига миллий архив ва миллий кутубхона ходимлари таҳсил берган. Битирувчилар ўқув юртирини томолаганликлари тўғрисида “архивст-палеограф” дипломига эга бўлишган. Уларга архивлар, шу жумладан қироллик архивида ишлаш ҳуқуқи берилган.

Депортамент архивларини ислоҳ қилиш билан, хартиялар мактаби ривожланган. Сабаби ислоҳатлар кўплаб кадрларга эҳтиёжни юзага келтирди. 1850-1859-йилларда қабул қилинган қонунларга биноан мактаб битирувчиларига архив бошқармаси, депортамент архиви ва бош инспектор лавозимларида фаолият юритиш ҳуқуқи берилган. Битирувчилар вазирликлар ва шаҳар архивларига ҳам таклиф этила бошланган. Шу сабабдан мактаб архив ихтисослигида мутахасис тайёрлашга ихтисолаша боради.

Кадрлар ва уларга қўйиладиган талабларни ошиб бориши, тарих фанларининг ривожланиши, 1846-1869 йилларда мактабда ўқитиладиган ўқув режаларига ўзгаришлар қилишга сабаб бўлади. Мактабда педагоглар таркиби кўпайтирилди, мутахасилик фанлари салмоғи орта бошлади, талабаликга қабул қилиш талаби кучайтирилган. Ижобий ўзгаришлар II жаҳон урушига қадар давом этади.

Мактабга ўрта маълумотга эга белгиланган синовлардан мувофақиятли ўтган талабалар қабул қилинган. Мактаб ҳар йил 20 нафар тингловчини қабул қилган. Мактаб ўқувчилари “Шартистлар” деб номланган. Таълим олиш муддати 3 йил қилиб белгиланган. Биринчи босқичда: рим филологияси, палеография(лотин ва француз), библография; иккинчи босқичда: дипломатия, Франция давлат муассасалари тарихи, архив иши, Ўрта аср Франция тарихи манбалари; учинчи курсда: ҳуқуқ тарихи (фуқаролик, иқтисодий ва феодал), Француз археографияси, Франция ўрта асрлар тарихи манбалари каби фанлар ўқитилган.

Хартиялар мактаби курсларини якунлагач тингловчилар университетларда тарихга оид маърузаларда қатнашганлар. Якуний диплом лойиҳасини мувофақиятли ҳимоя қилганларга диплом берилган. Талабалар амалиётни миллий архивда ўтказишган. Хартиялар архиви нафақат Франция балки, хорижда ҳам машҳур эди. Архивист тайёрлашга ихтисослашган таълим муассаси бўлмаган давлатлар(Бельгия, Испания) ёшлари Франция хартиялар мактабида таҳсил олишган.

Мактабда олиб борилган манбалар билан ишлаш методологияси мавзусидаги тадқиқот юқори баҳоланади. Аммо хартиялар мактаби бир неча камчиликлардан ҳам холи эмасди.

1. Архив мутахасислари профили аниқ кўрсатилмаган. Мактабда архивистлар, кутубхона ходимлари ва мезей ходимларини ҳам тайёрлаган.

2. Таълим йўналиши ўрта асрлар даврини мукамал ўрганишга қаратилган.<sup>20</sup>

Битирувчилар янги давр ҳужжатаи билан ишлаш кўникмаларига эга эмасдилар. XIX аср охирига келиб архивларни янги давр ҳужжатлари билан тўдирилиши билан бу ҳолат яққол сезилиб қолди. Шундай бўлсада хартиялар мактабини ташкил этиш ижобий аҳамият касб этади. Францияда илк бор архивист тайёрлаш ишига илмий ёндашилди. 1884 йилга келиб Францияда архив ишини марказлаштириш яқунланди. Бу даврга қадар архивистлар томонидан миллий ва департамент архивларида катта миқдорда инверталар рўйхати тайёрланган.

Германияда илмий – оммабоп нашларни Пруссия бошлаб берди. Пруссия архив бошқармаси ташаббуси билан 1878-йилдан бошлаб “Пруссия давлат архиви” номи остида журнал чоп этила бошлади. Нашр ҳукмрон сулоларнинг амалга ошираётган сиёсатини мувофақиятларни кўрсатиш, қўллаб-қувватлашга қаратилган. Журналда серия мақоллар эълон қилинган бўлиб, унда Гогенцоллер сиёсати, реакцион юнкерлар ва Пруссия ҳукмрон доираларни қўллаб қувватлашга бағишланган. Шунингдек, журналда шаҳар ва провинциялар тарихи билан аълоқадор манбалар чоп этиб борилган. 1900-йилда архив бошқармаси “Пруссия асрхив бошқармаси хабарномаси” номли даврий матбуот органи фаолиятини йўлга қўйди. Германияда архивист кадрларни тайёрлашга мўлжалланган таълим муассаси мавжуд бўлмади. Турли тарихий ва музей йўналишидаги таълим муассасаларида архивистлар тайёрлаган. Фарбий Европада архивистлар тайёрлашга мўлжалланган, дунёга машҳур архивистлар

---

<sup>20</sup> Бржостовская Н.В. Архивы и архивное дело в зарубежных странах (история и современная организация). Учебная пособия. – М.: МГИАИ, 1971.12-13 с.

тайёрлашган ихтисослашган ягона мактаб Францияда фаолият олиб борган. Кўплаб Европа давлатлари архивистлари шу Хартиялар мактабида тайёрган.

XIX асрнинг 30-йилларида Англияда архив ишига алоқадор бўлган илимий-оммабоп нашрлар чоп этила бошлади. 30-йилларда давлат архивида Англия тарихига оид ҳужжатлар бўлими ташкил қилинди. Бўлимдаги ҳужжатларда, нафақат Англия балки, унга қўшни давлатлар тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба вазифасини бажаришга хизмат қиладиган материаллар сақланган. Архив ҳужжатларидан илмий мақсадларда фойдаланишдаги турли ноқулайликларни бартараф этиш мақсадида, 1869-йилда давлат архиви билан ҳамкорликда тарихий қўлёзмалар архиви ташкил қилинди. Мазкур архивда мавжуд қўлёзмаларни нашр қилиш ишлари йўлга қўйилди. Шунингдек, йилик архив ҳисоботи ва архивлар рўйхати акс этган “Календар” нашр қилиб борилган.<sup>21</sup> Архив ҳужжатлардан нусхалар олиниб, улар нашрга тайёрланган ва нашр қилинган. Бунда тадқиқотчилар керакли материални чоп этилган календардан олиши кўзда тутилган эди. Асл нусхага бўлган эҳтиёж шу йўл орқали қондирилган. Бироқ, Англияда “Календар” қаттиқ танқидга учради. Танқидчилар “календар”да босилган манбалар тўлиқ эмас ва тадқиқотлар учун албатта ҳақиқий манбани кўриш лозим деб ҳисоблашардилар.

Танқидлар ўринли бўлиб, бироқ тадқиқотчилар талаб қилаётган ишларни амалга ошириш мумкин бўлмади. Архивда сақланаётган материаллар ҳажми катта бўлиб, уларни тўлиқ ҳажмда чоп этиш катта маблағ, бир неча йилларни талаб қилган. Наширёт ҳуқуқат кўрсатмаси билан, ҳужжатлар матнини қисқартирилган ҳолда чоп этиш билан қизиқувчиларга, қисқа муддатда архив ҳужжатлари ҳақида умумий маълумотлар бериш ражасини илгари сурди. Танқидларга қарамасдан “календар” нашр қилиш давом этди. Календарнинг кўп сонларида “Давлат қоғозлари архиви” ҳужжатлари нашр этилди.

Бироқ давлат архиви ташкил қилингандан сўнг, ҳам кўплаб ҳужжатлар турли вазирликлар архивларида сақланган. Масалан Адмираллейств ўз ҳужжатларини бир неча юз йиллардан буён сақлаб қолган, айрим идоралар ўз

---

<sup>21</sup> Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. – М., 1997. 149150 –с.

ҳужжатларини давлат архивига умуман топширмаган. Парламент ўз ҳужжатларини архивга мутлоқа топширманган ташкилотлар сирасига киради. Гарчи парламентнинг ўрта асрлар даври фаолиятига оид ҳужжатлар архивда сақлансада.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин-ки, XX асрда Ғарбий Европада архив иши жадал суратларда ривожлана бошланган. Жамиятни шиддат билан ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсаддида ҳукмат ижтимоий-иқтисодий аҳвол билан халқни доимий таништириб борган. Тарғибот ишларида вақтли матбуот ва илмий-оммабоп нашлардан кенг фойдаланилган. Хусусан архивлар фаолияти, ҳолати, материаллар, ҳужжатлар мазмунини ёритишган бағишланган қатор журнал ва газетлар нашр этилди. Лекин эълон қилинган ишлар жамият эҳтиёжини қондира олмади. Мисол учун Германияда ҳукмрон сулола сиёсатини қўллаб – қувватлашга бағишланган материаллар эълон қилинган. Англияда чоп этилган ишлар Германияга нисбатан мафкурадан холи бўлса-да, илмий жамиятлар эҳтиёжини қондиришга ожиз эди. Бироқ нашриётлар ташкил этилиши, архив материалларни жамоатчиликка тақдим этилишини ижобий баҳолаш мумкин

## **2.2. Архив материалларини сақлаш шароитлари ва махсус архив бинолари**

XVII аср ўрталарига келиб Ғарбий Европа минтақасида бири иккинчисидан кескин қиладиган қарама-қарши тузум ва сиёсий бошқарув амал қиларди. Францияда марказлашган давлат, мураккаб маъмурий аппарат мавжуд бўлса-да, ҳукмат фаолияти аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган эди.

1649-йил 19-май Англияда республика бошқаруви жорий қилинди. Амалда Англияда “республика либосидаги” ҳарбий диктатура ўрнатилди. Германия 1871-йилгача сиёсий тарқоқ, ярим феодал бўлиб қолади.<sup>22</sup>

Ғарбий Европада халқ ижтимоий тенгсизлик, инсон ҳуқуқларининг тобталиши, ижтимоий адолат учун кураш бошлади. 1789-йилда Буюк Француз

---

<sup>22</sup> Шухрат Эргашев. Жаҳон тарихи (Янги давр. 1-қисм. XVI–XVIII асрлар). ТОШКЕНТ «O‘ZBEKISTON» 2013. 221-224 -Б



инқилоби номи билан тарихга кирган инқилоб бошланди. Инқилобни жамиятни барча қуйи бўғини қўллаб-қувватлар, улар ҳукумат олдига ўз талабларини қўйди. Хукмрон табақа вакиллари ўз ҳокимиятларни мустаҳкамлаш, жамият олдидан янги бошқарув тизими афзалликларини кўз-кўз қилиш, ўзидан олдин хукмронлик қилган, давлат муассасаларинини кирдикорларни очиб ташлашга уринди. Бу ҳолат архив материалларга тайнган ҳолда амалга оширилиши лозим эди. Акс ҳолда тарғиб қилинаётган маълумотлар оммани ишончини қозонишга мувофақ бўла олмасди.

XVII аср бошларида ҳужжатлар сақланишига эътибор кучайди. Бунгача даврда архив материалларни турли омборларда сақланарди. Уларни сақлаш шароитлари талабга жавоб бермаган. Материалларга эътиборсизлик оқибатида, улардан хўжалик ишларида фойдаланилган даврлар ҳам бўлагни тарихий адабиётларда ўз аксини топади. Мисол учун Францияда инқилобий ҳаракатлар бошланган даврда турли архивлар бўлиб, улар фаолияти тартибсиз эди. Улар орасида нисбатан йирик, тартибли қадимги “Хартиялар хазинаси” деб номланган ҳужжатлар омборини аҳълоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Диққат билан эътибор берилса, ҳужжатлар “омбори” деб аталган мазкур архивни биноси, ўрта асрлардан янги даврга мерос бўлиб ўтганлигини гувоҳи бўлиш мумкин. Янги даврда, омборни фойдаланишга топширилганига бир ярим аср бўлган эди. Ўрта асрлар феодал тарқоқлик ҳукм сурган давр, давлат муассасалари ҳужжатлари халқдан яширин сақланган ёки эътиборсиз қолдирилган, йўқотилган ҳолатлар кўп учраб турган. Хратиялар архиви омборида материаллар тартибсиз, заҳ ва кемирувчилар таъсирида шикастланган яроқсиз қоғозлар билан тўлиб тошган эди.

Франция Миллий мажлиси 1789-йил 29-июлда “Миллий архивни ташкил этиш тўғрисида»ги қарор қабул қилди. Қарорда Миллий архивни бошқариш, фаолиятини ташкил қилиш, назорат каби муҳим масалаларни ҳал қилиш белгиланган. Шунингдек, архивлар учун мўлжалланган бинолар ҳолати, материалларни сақлаш шароитига риоя қилиниши, архивни моддий-техник баъзасини мустаҳкамлаш масалалари ҳам қарорда кўрсатиб ўтилган. Ҳукумат

вакилларидан ташкил этилган ижро органи, асосан Франция архивларини бирлаштириш, марказий бошқарувни ташкил этиш ва ҳудудий архивларни давлат назоратига олиш ишларига катта эътибор беради. Бироқ, архив бинолари, материаллар хавфсизлиги, моддий-техник база улар назаридан четда қолади.

Бу даврда кўплаб ер-мулк эгаларига қарашли хусусий архивлар ҳам мавжуд бўлган. Уларнинг сақланиш ҳолати, ҳужжатлар жойлашган бино ер-мулк эгасини моддий имкониятларидан келиб чиқиб яратилган. Баъзи ўз моддий ҳолати ёмонлашган ер-мулк эгалари материалларни сақлаш учун фойдаланилмай турган омбор, ер тўла ва ҳ.к.лардан фойдаланишган. Асосан ҳужжатлар сақланадиган жойлар заҳ ва кемирувчиларга тўла бўлади.

Янги даврга келиб ижро органлари ва турли марказий давлат муассасалари ўз фаолитяи билан боғлиқ расмий ҳужжатларни идорага тегишли архивларда сақлаган. Идораларни фаолият турига қараб ҳужжатларни сақланиш шароитлари фарқланган. Мисол учун Ҳарбий вазирлик, Ҳисоб палатаси, Бош штатлар ҳужжатлари муҳим ҳисобланиб, яхши шароитда сақланган. Баъзи шаҳар архивларида ҳужжатлар сақланиши ҳолати кўнгилдагидек бўлгани диққатга сазовор. Депортамен, Префектларда сақланаётган ҳужжатлар жойлашган биноларни ҳолати қониқарли эмас эди.<sup>23</sup>

Напалеон ҳукмронлиги йиллари амалга оширилган хунрезиклардан архивлар ҳам жабр кўрди. Напалеонда бутун Европа тарихига оид, муҳим материалларни ўзида жамланган омбор яратиш ғояси туғилди. Парижда ташкил этилган йирик омборда, Европа тарихига оид муҳим манбалар жамланди. Напалеон Европа меросхўри бўлиш мақсадида, бу ғояни амалга оширишга киршади. Ўша давр Европанинг турли мамлакатларида герцогларга тегишли бўлган архивлар кўп эди. Лекин архивлар ўта бетартиб бўлиб, уларни бир жойга йиғиш мураккаб эди. Қолаверса, Франциядаги архив биноси катта ҳажмдаги материалларни ўзида сиғдириш имкониятига эга эмасди. Шу сабабдан, Император Сена дарёси қирғоғида архив материалларни сақлашга мўлжалланган

---

<sup>23</sup> Иофе В.Г. Всеобщая история архивов и ведущие архивы современного мира. // Методическое пособие для направления бакалавриата «Архивоведение». Пособие рекомендовано к изданию Научно-Методическим Советом Национального Университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека 29 декабря 2009 г., протокол № 5. – Т.: 2009

янги бино бунёд этишга фармон беради. Қурилиш ишлари 1810-йили бошлаб юборилди. Империя қулаган (1812-йил) вақт меъморлар бино фундаментини барпо этишга улгирдилар. Бинони кейинги тақдири ҳақида маълумотларни манбаларда мавжуд эмас. Афтидан, Наполеон тахтдан ағдарилгач, архив учун мўлжалланган бино қурилиши тўхтаб қолган. Наполеонни архив соҳасида қилган қабихликлари, бутун Европа давлатлари архивларига қимматга тушди.

Англия юқорида таъкидланганидек ХІ асрдан йирик ҳарбий ҳаракатлардан йироқ бўлади. Бу эса архив материалларни хавфсиз сақланишини таъминлайди. Янги даврга келиб ҳукмат аъзолари мазкур ҳажжатларни тартибга келтириш, улардан илмий ва давлат бошқарувси соҳаларида фойдаланишга эътибор қарата бошлади.

Ислоҳатлар соҳасини комплекс ривожлантиришга қаратилди. Дастлаб архив соҳаси ҳуқуқий баъзасини мустаҳкамлаш, марказий бошқарувни ташкил этиш, турли архивларни бирлаштириш масалалари ҳал этила бошлади. Ахив материалларини сақлаш Англия илмий жамоасини диққат марказида бўлди. Архив материалларидан илмий мақсада фойдаланиш учун қулайликлар яратиш мақсадида, ҳужжатлар тартибга келтирилди. Ҳужжатларни узоқ муддат хавсиз сақланиши борасида турли таклифлар ўртага ташланди. Материалларни хавфсиз ва узоқ муддат сақланиши, улар жойлашган бино ҳолатига боғлиқ деган ғоя кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланди. Шу нуқтаи назардан 50-йиллар Лондонда архив учун махсус бино баропо этилади. Қурилиш меъморлари бино лойиҳасини ишлаб чиқишда, ҳужжатлар хавсизлигига аълоҳида эътибор қаратишган. Бино тош пилиталар ёрдамида кичик-кичик хоналарга ажратилган бўлиб, ёнғин чиққан пайтда ҳужжатларни хавсизлигини таъминлашга мўлжалланган. Бинода махсус ўқув хонаси жойлашган.

XX асрдан бошлаб архив биноларига ҳукмат жиддий эътибор бера бошлади. Оқибатда Европада дунёга машҳур архив бинолари бунёд этилди, махсус биноларнинг турли қулайликларга эга бўлган лойиҳалар ишлаб чиқилди. Бу даврда архив учун архитектурлар томонида лойиҳалаштирилган махсус бинолар бунёд этилди. Кейинчалик дастлабки лойиҳалардан бутун Европа

давлатлари фойдаланидилар. Ойиҳадаги камчилик ва нуқсонлар аста-секинлик билан мутахасислар томонидан бартараф этиб борилди. Улардан фойдаланиб деярли Европанинг барча давлатларида архив бинолари бунёд этилди.

## Хулоса

XVI-XX асрлар Европада архив иши илмий ва касб фаолият тури сифатида реал ҳаётга кириб келди. Биринчи жаҳон урушига қадар, Европа давлатларида марказий давлат архивлари узил-кесил шаклланди. Архив ишини Европа намунасида марказлаштириш шакли ва услуби турли давлатларда турлича кечди. Баъзи (Франция, Италия, Бельгия, Голландия) давлатларда ягона архив бошқаруви тизими шаклланган бўл-са, баъзи давлатларда, масалан, Испанияда марказлаштириш ярим йўлда қолиб кетади, архивлар тарқоқ фаолият олиб борди.

Германияда марказлаштириш ҳудудлар кесимида, аълоҳида-аълоҳида амалга оширилди. Аммо умумдавлат миқёсида марказлаштириш имкони бўлмади, аксинча Англияда марказий архив ташкил этилиб, маҳаллий архивлар фаолиятига чек қўйилди. Кузатишлар шуни кўрсатади-ки инқилоблар ва миллий озодлик ҳаракатлари таъсирида архивни марказлаштириш ишлари мувофақиятли яқунланган. Давлат архивларини ташкил қилиш орқали, ўрта асрлага тегишли ҳужжатларни сақлаб қолишга мувофақ бўлинди.

Ташкил этилган давлат архивларида ўрта аср давлат муассасалари ва XVI-XVIII асрларга оид материаллар тўпланди. Шудай бўлсада, ҳужжатларнинг кўпчилиги идоравий архивларда қолиб кетди. XIX аср материалларига келсак, улар жуда кам сақланиб қолди. Давлат архивлари жамоатчиик муассасалари каби фаолият юритади. Кўпчилик учун давлат архивларида 50-йилдан кам бўлмаган муддатдаги материаллардан фойдаланишга рухсат этилган. Суд, прокуратура, шахсий характердаги ва бошқа ҳужжатлар 100-йилгача ва ундан ҳам узоқ вақт фойдаланишга рухсат берилмаган. Қонуний актларда ва ижтимоий фикрда давлат архивлари, бир томондан давлат аппаратининг бир қисми, бошқа томондан эса илмий муассаса сифатида намоён бўларди. Турли даврларда у ёки бу томон устун келади. Бироқ уларнинг мақсадларида муштараклик мавжуд эди. Давлат архивлари илмий муассасалар ва илмий жамиятлар билан яқин аълоқада бўлиб, кўп ҳолларда давлат архивлари муҳим илмий марказлар ролини бажарган. Архивларнинг илмий фаолияти машҳур олимлар иштирок амалга оширилган.

Архивлар билан ареографик марказларнинг аълоқаси ҳам жуда мустаҳкам бўлган. Тарихий архивларнинг тузилиши археографик ишларнинг кенгайишига олиб келади. Давлат архивларида ҳам ҳужжатлар нашр қилинган. Аммо, архивларнинг илмий ва оператив фаолияти биринчи навбатда ҳукмдор синф манфаатларига, давлат сиёсати мақсадларига ва капиталистик ривожланиш тарихига хизмат қилган.

Бир қатор давлатларда архив органлари мавжуд муассасаларнинг архивларини ўзларига интеррация қилишга ҳаракат қилган. Архивларнинг марказлаштириш режаси амалга ошмаи. Бу архивларнинг идоравий орган эканлиги сақланиб қолади. Катта миқдордаги архивлар давлат назоратидан четда қолди. Бунга черков архивлари, университет архивлари ва биринчи навбатда жисмоний шахсларга тегишли турли туман ҳужжатларни киритиш мумкин.

Айрим давлатларда тарихий архивлар бўлмаса-да, ҳужжат материалларнинг катта қисми турли коллекцияларда, давлат ва шахсий архивларда тўпланиш давом этаверди. Давлат архивлари ижро органлари ва марказий идоралар ишларига аралашмаслиги қонунийлаштирилди. Капиталистик давлат архивлардаги доктринага биноан, расмий характердаги ҳужжатлар архивларда, расмий характерга эга бўлмаган материаллар кутубхоналар сақланиши белгиланган. Янгидавр сўнгида кутубхонада сақланаётган ноёб қўлёзмалар эътибордан четда қола бошлади. Шу сабабдан кутубхонада, аълоҳида қўлёзмалар бўлими ташкил этилган. Бу қўлёзмалар бўлимига қуйидаги характердаги ҳужжатлар киритилади: иш юритиш билан боғлиқ бўлган қадимги қўлёзмалар, хроникалар, черков адабиётлари, ёдгорликлар, ёрликлар, капитулярийлар, оилавий фондлар, шахсий қоғозлар, адабиётга оид қўлёзмалар, шахар, цех, гильдия, черков архивларининг материаллари. Шу билан бирга кўплаб қўлёзма тўпламларида давлат архивлари компетенциясига кирувчи материаллар яъний регистратурлар, регистратура қисмлари ва давлат муассасаларининг аълоҳида ҳужжатлари кирарди. У ерга улар баъзан жисмоний шахслар орқали баъзан оилавий фонлар таркибида бўлгани учун ва яна ҳукматнинг расмий буйруқлари натижасида келиб тушган.

Давлат архивига эга бўлманган кўплаб давлатларда, қадимги иш юритиш бўйича материаллар кутубхоналарда сақланган. АҚШда архив вазифасини кутубхоналар бажарган. Англияда графлик кутубхоналари, Австралияда эса штат кутубхоналари, Софияда милли кутубхона ва бошқалар бажарган.

Қўлёзма тўпламларини тузишда “шарқий” коллекцияларнинг яъний мустамлака мамлакатларидан келтирилган ноёб қўлёзмалар ўрни бекиёсдир. Қўлёзма тўпламлари ҳужжатлар материалларини сақлаш ва уларга илмийлик киритишда катта рол ўйнайди. Бироқ улар фаолиятида салбий жиҳатлар ҳам бор. Тасодифий йўл билан тўпланган ва аниқ профилнинг йўқлиги тадқиқотчилар учун мураккабликлар туғдирган. Қўлёзма ёдгорликларни сотиш ва уларни коллекция қилиб тўплаш бу тартибсизликларни янада кучайтирар эди. Қўлёзма бўлимларнинг ходимлари ва шахсий коллекционерлар архившнослик эришган янги ютуқлардан фойдаланмай эски мавзувий тизимлаштиришдан фойдаланишарди.

Аста-секинлик билан архив ишига техник такомиллаштириш олиб кирила бошланди. Ҳужжатларни сақлаш ва реставрация қилиш, уларни зараркурандалардан асраш методлари кириб кела бошлади. XIX асрда архив иншоатлари барпо этишнинг икки усули кенг тарқалди. Биринчиси камерали, иккинчиси магазинли.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.**

#### **Норматив ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни. 2010 йил, 15 июнь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги ПҚ-949 “Корея республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда ЎзР МДАларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

#### **Асосий адабиётлар**

- 1.Алексеева Е.В., Афанасьева Л.П., Бутова Е.М. // под редакци профессор Козлова В.П., Архивоведения. – М.: ПрофОбрИЗдат, 2002.
- 3.Бржостовская Н.В. Архивное дело в странах Европы и Америки в период капитализма. Т-2. – М., 1957.
- 4.Бржостовская Н.В. Архивы и архивное дело в зарубежных странах (история и современная организация). Учебная пособия. – М.: МГИАИ, 1971.
- 5.Карапетянц И.В. Экономические архивы Западной Европы и США до начала XX века. – М., 1997.
- 6.Советская Историческая Энциклопедия. Архивы. Т-1. – М., 1965.
- 7.Чориев Ш.Ш. Архивларнинг умумий тарихи ва хозирги замон жаҳон етакчи архивлари. Ўқув-услугий мажмуа. – Т., 2010.

#### **Қўшимча адабиётлар:**

- 1.Вопросы критики, методологии и теории буржуазного архивоведения Сб. ст. – М., 1980.
- 2.Иофе В.Г. Всеобщая история архивов и ведущие архивы современного мира. // Методическое пособие для направления бакалавриата «Архивоведение». Пособие рекомендовано к изданию Научно-Методическим Советом Национального Университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека 29 декабря 2009 г., протокол № 5. – Т.: 2009.
- 3.Ковальчук Н.А. Научно-справочный аппарат в архивах буржуазных стран. (Франция, Англия, США): Учебное пособие. – М., 1973.
- 4.Маяковский И.Л. Архивы и архивное дело в иностранных государствах. Вып. 1: Архивы и архивное дело в рабовладельческих государствах в эпоху феодализма: Учебное пособие. – М., 1959.
- 5.Самоковасов Д.Я. Централизация государственных архивов в Западной Европе в связи с архивной реформой в России. – М., 1899.
- 6.Самоковасов Д.Я. Централизация государственных архивов; Архивное дело на Западе. – М., 1900.
- 7.Старостин Е. В. Архивное дело во Франции. – М., 1984.



Старостин Е.В. Зарубежная буржуазная историография архивоведения – М., 1986.

8. Старостин Е.В, Чудиновский В.А. Архивы и архивное дело в зарубежных странах: Вып. 1. – Свердловск, 1991.

9. Курбонгалиева Р. Ўрта асрлар тарихи. Ўқув қўлланма. Т.: “Ўқитувчи” 1989.

10. Семёов В.Ф. Ўрта асрлар тарихи Т: “Ўқитувчи” 1973.

11. История средних веков. Т-1 Под. Ред. С.П.Карпова М.: “Высшая школа” 2003.

12. Салимов Т. Жаҳон тарихи (Европа мамлакатлари. V-XV асрларда) Т.: “Университет”, 2014.

Ўзбекистон Республикасининг “Архив иши тўғрисида”ги Қонуни. 2010 йил, 15 июнь.

**14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 августдаги ПҚ-949 “Корея республикаси ҳукуматининг грант маблағларини жалб этган ҳолда ЎзР МДАларини реконструкция қилиш ҳамда уларни техник модернизациялаш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.**

[www.ziyonet.net](http://www.ziyonet.net)

[www.history.ru](http://www.history.ru)

[www.arshiv.ru](http://www.arshiv.ru)